БУГУНГИ СОНДА:

**Орзудаги театр қурилиши битяпти**



2-бет

**Ирригация соҳасидаги янги лойиҳалар**



4-бет

**9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**



6-7-бетлар

**“Magic city” пойтахтга кўрк бўлаолдими**



10-11-бетлар


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 32-33 (585-586)
2022 йил 6 май,
жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ТЕЗ ТИББИЙ ВА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу соҳалар инсон соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолишда “олтин соат” оралиғида биринчи ёрдам кўрсатувчи муҳим бўғиндир. Сўнгги беш йилда бу йўналишларнинг моддий таъминоти ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинди.

Жумладан, 2 минг 224 та янги тез ёрдам машиналари харид қилинди, замонавий реанимация машиналари сони 24 тадан 435 тага етказилди. Тез ёрдам станциялари ва бригадалари сони ҳам кўпайтирилди. Шунингдек, битта чақириқ учун дори-дармонга ажратилаётган маблағлар миқдори 16 бараварга, дори турлари 20 тадан 45 тагача оширилди.

Шошилинч ёрдам соҳасида ҳам қуйи бўғинга катта эътибор қаратилди. Ҳудудларда 21 та туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилди. Натижада туман ва шаҳар аҳолисини вилоят марказларига мурожаатларини камайтирди.

Масалан, илгари “Қамчиқ” довонида автоҳалокатда оғир тан жароҳати олган беморлар 100 километр масофа босиб, Тошкент ва Наманган шаҳридаги шошилинч марказларга олиб борилган. Энди Ангрен шаҳри ва Поп туманида очилган марказлар одамлар жонига оро кирмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам бор. Улар ҳақида 18 март куни давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотида айтилган эди.

Мисол учун, ўтган йили тез тиббий ёрдам бригадасининг кечикиб келиши бўйича 50 мингдан зиёд шикоят келиб тушган.

Бунинг сабабларидан бири соҳада ягона бошқарув йўлга қўйилмаганидир. Жумладан, тез тиббий ёрдам ходимини ишга тайинлаш, дори-дармон таъминоти, транспорт, ёқилғи ва ҳайдовчилар масаласи вилоятдаги турли бошқармалар ваколатида. Бошқарувдаги бундай чалкашликлар эвазига тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланган. Тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса-да, бошқа ҳудуд деган важ билан чақирувни қабул қилмайди.

Тез тиббий ёрдам машиналарининг кўпида навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта кўчага ҳалигача ном ва 500 мингга яқин уйларга рақам қўйилмагани сабабли манзилни топишга кўп вақт кетмоқда.

Тизимдаги энг катта муаммо – шошилинч ёрдам бемор учун энг яқин тиббиёт муассасасида эмас, балки фақатгина олдиндан бириктирилган саноқли шифохоналарда кўрсатилади.

Шу боис тез тиббий ва шошилинч ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Йиғилишда ушбу дастурдаги асосий янгиликлар, уни амалга ошириш борасидаги вазифалар кўрсатиб ўтилди.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар муқаддас Рамазон ҳайити билан бир-бирини самимий қутлаб, мамлакатларимизнинг биродар халқларига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги музокаралар якунида қабул қилинган битимлар ва эришилган келишувларнинг амалга оширилиши батафсил муҳокама қилинди.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳалари ва бошқа йўналишларда устувор кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги мулоқотларни фаоллаштириш ва маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзаро лойиҳалар ва кўп қиррали ҳамкорлик дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш учун икки мамлакат ҳукуматлари даражасида мунтазам учрашувлар ўтказиш ва мувофиқлашувни кучайтириш муҳим экани қайд этилди.

Бундан ташқари, минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

**ЎзА.**



# ЯНГИ ЙЎЛ ВА КЎПРИКЛАР

## юртдошларимизга маъқул келмоқда

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бунёдкорликлар авж олган пойтахтимизда нафақат турар жойлар, балки бир-биридан замонавий кўприклару равон йўллар ҳам кўплаб барпо этилмоқда. Куни кеча нишонланган Рамазон ҳайити кунларида Тошкент шаҳрида бир қанча мажмуа – янги йўл ва кўприклар очилди. Президентимиз ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди.**



Йўлўтказгич қурилиши 2020 йил августда бошланган эди. Лойиҳа доирасида 6,5 километр узунликдаги 6 тасмали автомобиль йўли, 6 та кўприк бунёд этилди. Бу орқали Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси Яккасарой туманидаги Чўпонота ва Усмон Носир кўчалари билан самарали боғланди. Шу пайтгача Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл – Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланар эди. Соатига 4 мингта автотранспорт қатновига мўлжалланган бу йўлда аслида юклама бундан катта, шу боис эрталаб ва кечки пайтларда жуда тирбанд бўларди.

Янги қурилган йўл соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга. Бу тирбандлик муаммосини бартараф этиб, пойтахт аҳолисига жуда катта қулайлик яратади. Кўприклар, уларга чиқиш-тушиш қисмлари оқилона лойиҳалаштирилиб, мавжуд йўлларга светофорсиз уланган. Натижада автотранспортлар бошқа йўллардаги қатновга тўхтовсиз, қулай тарзда қўшилиб кетиши мумкин.

Айни пайтда юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лекин бу фақат дарахт экиш дегани эмас, балки экологияни асраш ҳам демакдир. Янги йўл очилиши натижасида ҳавога зарарли газ чиқиши 3 баробарга камаяди. Йўл бўйларига энергия тежамкор ёритгичлар, узум ишкомлари ўрнатилган. Бўш майдонлар кўкаламзорлаштирилиб, пиёдалар йўлаги ва велойўлакчалар ташкил этилган.

Юртбошимизга Тошкент шаҳрида автомобиль йўллари қуриш ва шаҳар транспорт тизимини такомиллаштириш таклифлари тақдимоти ҳам ўтказилди. Янги очилган йўлни давом эттириб, Сергели туманини айланиб ўтувчи ҳалқа йўлигача 6 километрлик йўл барпо этиш лойиҳаси маъқулланди. Давлатимиз раҳбари йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини оширишга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

2-бет

*9 май — Хотира ва қадрлаш куни*

# АЖДОДЛАРИМИЗ МАТОНАТИ – фидойилик ва қаҳрамонлик намунасидир

**Дилшод ЖАЛОЛОВ.**

**Куни кеча Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонини ўқиб, беихтиёр мамлакатимизда XX асрнинг энг қақшатқич уруши дея тан олинган қирғинбарот кунлар кўз олдимизда гавдаланди.**

Аслини олганда, биз у кунларни кўрмаган бўлсак-да, ҳозирги давр ёшларидан фарқлироқ, ўша даврда яшаган бува-бувиларимиз, ота-оналаримиз ҳикояларидан, жангларда иштирок этган ёши улуғларимиздан кўп бора тинглаганмиз.

Ўша давр русумига кўра, аълочи ўқувчи сифатида 1975 йили Москва, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳарларидаги уруш билан боғлиқ қадамжоларни зиёрат қилиш, Ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳарбий парадни Москванинг Қизил майдонида кўриш бахтига муяссар бўлганман. Ҳамон эсимда, Қизил майдонга тўпланган уруш қатнашчиларининг ҳарбий парад вақтида фашистларнинг тормор келтирилган қўшинларидан тортиб олинган байроқлар қатори ўтиб бораётган вақтдаги чеҳраларини кўз олдимга келтираман. Уруш қатнашчиларининг қайси бирининг кўзларида ёш, қайси бирининг юзи ғазабнок. Буни ҳозир, орадан салкам эллик йил ўтиб таърифлаш жуда мушкул. Лекин ана шу юзлар, кўзларни кўргач, урушнинг қанчалик аёвсиз ўтганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Урушда иштирок этган буваларим, тоғаларим, амакиларим, ўрта мактабда, олийгоҳда таълим берган устозларимизнинг, ўқувчилик давримда “Ёш қизил изқуварлар” тўгарагидаги иштирокимда учратган инсонларнинг ҳикоялари асосида кўплаб ижод намуналарим ўтган асрнинг 70-, 80-, 90-йиллари республикамизда чоп этилаётган бир қанча нашрларда чоп этилди. Ҳикояларни ёзган вақтда, ана шу жанглар бўлиб ўтган жойларга тушиб қолгандек ҳис қилардим ўзимни.

1941–1945 йиллари башарият бошига мислсиз кулфатлар ёғдирган Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзбекистонлик жангчилар ҳам ўзларининг ботир, мард, қўрқмас, жасурлик хислатларини намоён қилиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишгани ҳақидаги бадиий ва тарихий асарлар кўпайди. Ана шу асарларнинг айримлари ҳали-ҳануз кутубхонамдан ўрин эгаллаган.

Президентимизнинг юқоридаги Фармонини ўқиб, китобларни яна бир бор варақладим, яна кўплаб тарихий саналар ва рақамларни ўқидим. Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон фронт ортини мустаҳкамлашда олдинги сафларда туриб, нимаики зарур бўлса, барчасини аямай сарфлади. Чунончи, уруш йилларида аҳоли томонидан мудофаа жамғармасига 649,9 млн сўм нақд пул, 4 млрд 226 млн сўм заём пули, 52,9 килограмм олтин ва кумуш топширилган. Армияга 7 518 800 та гимнастёрка, 2 636 700 та пахталик, 2 221 200 та этик ва қўнжли ботинка юборилган. Енгил саноат вазирлиги корхоналари томонидан фронтга жами 246 918 700 сўмлик маҳсулот жўнатилган.

Қийинчилик ва хомашё етишмаслигига қарамасдан, Тошкент тўқимачилик комбинати фронт учун 410 млн метр газлама ишлаб чиқарган. Шунингдек, кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, 1 282 000 тонна ғалла, 482 000 тонна картошка ва сабзавот, 1 000 тонна полиз маҳсулоти, қуруқ ва ҳўл мевалар юборилиб, фақат 1941 йилнинг иккинчи ярмида 59 минг бош от фронтга олиб кетилган.

6-бет

# ТЕЗ ТИББИЙ ВА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

1-бет

Хусусан, жорий йил 1 июлдан ягона вертикал бошқарув асосида “103” Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиаллари ташкил этилади. Бунинг натижасида энди тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, балки Тошкент шаҳри тажрибаси асосида, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади.

Туманларда чақирувларни қабул қилиш диспетчерлик хизмати тугатилиб, вилоятларда ягона колл-марказ тузилади. Колл-марказда операторлар билан бирга алоҳида тиббиёт-маслаҳат бригадаси фаолият олиб боради. Шунингдек, вилоят колл-марказларига тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд хусусий клиникалар ҳам уланиши мумкин бўлади.

Бу тажриба дастлаб Сирдарё вилоятида Тиббий суғурта жамғармаси орқали ташкил этилади ва босқичма-босқич барча ҳудудларга кенг жорий этилади.

2022-2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимидаги барча эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилиши, натижада чақирувларга етиб бориш вақти 3 баробарга қисқариши қайд этилди.

Бугунги кунда 2 минг 695 та тез тиббий ёрдам бригадаси бўлиб, 500 дан ортиғида врач етишмайди, шунингдек, 6 мингдан ортиқ шифокор ўриндошлик асосида ишлайди.

Халқаро тажрибага кўра, барча чақирувларда ҳам врачлар бўлиши шарт эмас. Шунинг учун энди чақирувларнинг мураккаблиги, долзарблиги ва турига қараб, саралаш тизими жорий этилади.

Яна бир масала: бизда тез тиббий ёрдам бригадалари врач, фельдшер ва ҳайдовчидан ташкил топган. Хорижий тажрибада тез ёрдам фельдшери бир вақтнинг ўзида ҳайдовчи ҳисобланади.

Шу боис янги ўқув йилидан фельдшерликка ўқиётган ёшлар ҳайдовчиликка ҳам ўргатилиши белгиланди. Бунинг учун тиббиёт коллежларига ҳайдовчилик мактаблари бириктирилади.

Кўрсатилган хизматни беморлар томонидан баҳолаш орқали тез тиббий ёрдам ходимларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади. Бунда, ҳар чорак якунида фаолияти беморлар томонидан яхши баҳоланган бригадалар ходимлари ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида мукофотланади.

Юртимизда ҳар минг кишига нисбатан чақирувлар сони 352 тани ташкил этади. Бу ривожланган давлатлардагига қараганда 6-7 баравар кўп. Чунки қишлоқ ва маҳаллаларда оддий тиббий хизмат йўлга қўйилмагани учун аҳоли тез ёрдамга мурожаат қилмоқда.

Шунинг учун маҳаллаларда тиббиёт пунктлари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Тез тиббий ёрдам тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази Республика тез тиббий ёрдам маркази тизимига ўтказилиб, Ходимлар малакасини ошириш мактаби сифатида қайта ташкил этилади. Туркия, Корея, Франция каби тез ёрдам тизими илғор бўлган мамлакатлардан мутахассислар жалб қилинади.

Туманлар даражасида шошилинч тиббий хизмат қамровини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бунинг учун, энг аввало, барча туман ва шаҳар шифохоналаридаги терапия, педиатрия ва хирургия йўналишида бир-бирини такрорлайдиган режали ва шошилинч бўлимлар бирлаштирилади. Уларда туну кун ишлайдиган шошилинч ёрдам қабулхоналари ташкил этилади.

– Бу вазифаларни жой-жойига қўйсак, тиббиёт соҳасини халққа янада яқин қилган, инсон қадрини улуғлаш учун яна бир қадам ташлаган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизматларини ривожлантириш бўйича ўзларининг ҳудудий дастурларини қабул қилиб, ижросини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

# ЯНГИ ЙЎЛ ВА КЎПРИКЛАР
## юртдошларимизга маъқул келмоқда

1-бет

– Ҳамма жойда йўл қуриб ёки кенгайтириб бўлмайди. Кўп нарса қатновни тўғри ташкил этишга ҳам боғлиқ. Энди йўлларнинг, чорраҳаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, рақамлаштириш орқали аҳолига қулайлик яратиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз шу ерда тошкентлик нуронийлар, жамоатчилик фаоллари билан суҳбатлашди.

– Миллий қадриятимизга кўра, йўл ва кўприк қуриш – савоб. Одамларнинг узоғини яқин қиладиган бу йўл ҳозирги улуғ айём кунларида очилаётгани ҳам қувонарли. Илгари “Сергелида 10 та уй курса бўладими?” деганда ҳеч ким ишонмасди. Охирги беш йилда Сергели ва Янгиҳаёт туманларида 800 га яқин кўп қаватли уйлар қурилди, қарийб 100 минг аҳоли бошпанали бўлди. Мана энди йўллари ҳам ривожланяпти. Ҳозир мутахассислар билан кейинги лойиҳалар бўйича ҳам маслаҳатлашиб олдик. Уларни вақти билан, меҳнатимиз билан, тинчлик-осойишталикда амалга ошира оламиз, – деди Президентимиз.

Бу янгилик пухта режа ва аниқ мақсадлар билан амалга оширилгани учун ҳам тезда ўз натижасини кўрсатмоқда.

– Янги Сергели кўчаси Сергели ва Янгиҳаёт туманларини Тошкент шаҳри билан боғловчи янги ришта сифатида катта аҳамиятга эга бўлади, – деди Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси бошлиғи Анвар Жўраев. – Бугунги кунда Сергели ва Янгиҳаёт туманларида аҳолининг кўпайиши, янги турар жойларнинг қурилиши, ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этилиши ҳамда савдо-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг очилиши марказ билан боғловчи ягона йўлда ортиқча транспорт оқимини келтириб чиқарар эди. Ҳозирги кунда ушбу йўлда тўққизта муаммоли чорраҳа мавжуд бўлиб, кўплаб тирбандликлар ҳисобига шаҳар марказига кириб келиш бу икки тумандан ўртача 30-40 дақиқани ташкил қилади. Президентимизнинг топшириқларига биноан, ушбу лойиҳа бўйича Қипчоқ кўпригини Чўпонота кўчаси билан боғловчи 6,5 км.ли тўғри йўл қурилиши белгиланган эди. Айни пайтда бу йўлнинг қурилиши тугалланди. Бу йўл Сергели ва Янгиҳаёт туманларининг ишлаб чиқариш зоналари ҳамда янги қурилган яшаш мавзеларидаги аҳолига ҳам катта қулайлик яратиб, энди бу масофани саккиз дақиқада босиб ўтиш мумкин. Бу йўлнинг очилиши муносабати билан иккита ўрта сиғимли автобус йўналишлари ҳам ташкил этилади. Биттаси ишлаб чиқариш зонаси билан, иккинчиси аҳоли яшаш мавзеси билан боғлайди.

Янги лойиҳа қандай усуллар ёки технологиялардан фойдаланиб бунёд этилгани ҳам барчага бирдек қизиқ бўлса керак. Бу борада қурувчилар қандай фикрда?

– Бу кўприк монолит усулда қурилган бўлиб, юртимиздаги биринчи катта ҳажмдаги йўл ўтказгич ҳисобланади, – деди Қурилиш компанияси бўлим бошлиғи Қодирғулом Абдуллаев. – Бунинг афзалликлари шундаки, оралиқ таянчлар сонининг камлиги, оралиқларнинг узлуксизлиги, архитектуравий жиҳатдан яхши режалаштирилганлигидир. Бу ерда асосий янги технология оралиқ қурилма шу жойни ўзида монолит усулда қуйилади. Асосий ишчи арматуралар олдиндан зўриқтирилади ва жойида конструкция тикланади. Йиғма усулда қилинадиган кўприкларнинг оралиқ ва таянчлари орасига чоклар қўйилар эди. Бу эса вақт ўтиши билан иссиқ ва совуқ таъсирида айнан ўша жойидан таянчларга сув ўтиш ҳолатлари содир бўлиб, узоқ муддат ишлашига қаршилик кўрсатарди. Бунинг яхши тарафи шундаки, узлуксиз оралиқ қурилма, яъни, ўртада чоклари йўқ. Бу орада таянчлар сонининг кам бўлишига ва кўприкни узоқ йиллар ишлашига яхши таъсир кўрсатади.

Бу йўл ва кўприкларга эҳтиёж қандай пайдо бўлди?

Маълумки, бугунги кунгача Сергели туманига шаҳарнинг асосий қисми ва орқа томонидан келаётган автомобиллар асосан битта йўл – Янги Сергели кўчасидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам бу ерда доимий равишда тирбандлик юзага келади. Ушбу асосий йўл айниқса, эрталаб ва кечқурун тиқилинч бўлиб, ҳаракатни чеклаб қўяди. Кенг кўламли янги лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида эса ушбу йўлнинг қуввати кўприклар билан биргаликда соатига 12 мингта транспорт воситасини ташкил этади. Таққослаш учун, Янги Сергели кўчасида ҳозирги даврда атиги тўрт мингта транспорт воситаси ҳаракатланар эди

Ушбу замонавий автомагистрал 272,3 квадрат метр асфальт-бетон билан билан қопланган. Жараёнда қарийб 897 минг куб метр ер ишлари бажарилди. 772 та қозиқ, 50 та пойдевор таянчи, 69 та устун, 472 10 метрли ёритиш устунлари ўрнатилди. Янги йўналишнинг бутун узунлиги бўйлаб энергиятежамкор лампалар билан 47 минг 210 метрли ёритиш устунлари жойлаштирилди. Туташ ҳудудни ободонлаштириш ишлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. 36,4 минг квадрат метр майдонда кенглиги 1,5 метрдан 4 метргача бўлган пиёдалар ва велосипед йўлкаси ётқизилди. Кўприкда светофорларнинг йўқлиги ва тирбандликнинг бўлмаслиги натижасида экологияга уч баробар камроқ зарар етказилади.

– Чўпонота кўчасидан кесиб чиқадиган янги йўл ишга тушгандан кейин Янги Сергели кўчасида реконструкция ишларини бошлаймиз, – деди Тошкент шаҳар транспорт тизимини такомиллаштириш бўйича лойиҳа офиси раҳбари Мурод Обидов. – Бу реконструкцияда Президентимиз томонидан айтиб ўтилган янги ёндашув, яъни, йўлларни ўзини қуриб ёки кенгайтириб эмас, ўтказувчанлигини ошириш масаласи илгари сурилди. Ўтказувчанликни ошириш учун битта йўл бўлагидан ҳаракатланаётган оддий транспорт воситасида 800 тагача, агар уни автобус йўлакларига айлантирадиган бўлсак, бу йўл бўлагидан соатига 9 мингтагача аҳоли ҳаракатланиш имкони яратилади. Мана шундан келиб чиқиб, Янги Сергели кўчаси бўйлаб автобус учун алоҳида, бошқа транспорт воситалари учун алоҳида ҳаракатланиш бўлакларини жорий этиш мўлжалланган. Яқин кунларда бу ишлар бошланади. Айни пайтда Тошкент шаҳрида 140 та чорраҳанинг 2022 йил якунига қадар ўтказувчанлигини яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларни биринчи пилот лойиҳаси сифатида Навоий кўчасида ҳозирги кунда реконструкция ишлари олиб борилляпти.

Янги йўл ва кўприклар бу ерда яшайдиган аҳоли кайфиятига қандай таъсир кўрсатмоқда?

– Минг бора шукр, шундай чиройли йўллар қурилди, – деди Сергели туманида яшовчи юртдошимиз Арофат Тўлаганова. – Президентимиздан миннатдормиз, шундай улуғ кунларда бизга унутилмас совға бўлди. Илгари бу йўллардан юришга қўрқар эдик. Ҳозирги ҳолати билан солиштирганда ер билан осмонча фарқи бор. Йўл четларида ўриндиқлар ўрнатилгани ҳам биз кексалар учун айни муддао бўлди. Энди набираларимизни ўйнатгани олиб чиқиб, маза қилиб сайр қиляпмиз. Қурувчиларга ҳам катта раҳмат, бундай йўллар юртимизда янада кўпайсин.

– Сергели туманида 30 йилдан буён истиқомат қиламан, – деди яна бир юртдошимиз Эркинжон Тўрабаев. – Олдинги йўл ниҳоятда тор ва абгор аҳволда бўлиб, йўловчилар учун махсус йўлаклари ҳам йўқ эди. Шундай равон йўллар, велосипед ва пиёдалар учун алоҳида йўлаклар қурилгани жуда яхши иш бўлди. Шаҳар маркази билан боғланишни қулайлигини айтмайсизми?

Йўл ва кўприк қуришнинг савоби катталигини кўп такрорлаймиз. Бу ишлар айниқса, улуғ айём кунларида амалга оширилса, икки ҳисса савоб ёзилиши аниқ. Энг муҳими, энди яна минглаб, балки миллионлаб юртдошларимизнинг узоғи яқин, мушкули эса осон бўлади.

# Хусусий мулкчиликка кўмакдош

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хусусийлаштириш нега муҳим? Бу – турғун давлат саноатида шахсий ишбилармонлик муҳитини шакллантириши билан аҳамиятли. Эндиликда биз саноат ва тадбиркорлик соҳаларида мулкнинг давлат аралашуви шаклидан кўра, хусусий шакли иқтисодий манфаатлироқ эканлигини англаяпмиз. Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Самарқанд вилоятида объектларнинг электрон савдолари йўлга қўйилган.**

Юқоридаги қарорда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги хусусийлаштириладиган акция пакетлари (улушлари) рўйхати тасдиқланган. Мазкур рўйхатда Самарқанд вилоятидаги 2 та – “UzAuto TRAILER” МЧЖнинг тўлиқ давлат улуши ва “Uz Truck and bus motors” МЧЖ қўшма корхонасининг 50 фоиз давлат улуши сотилади.

Шунингдек, қарордаги сотиладиган кўчмас мулк объектларининг тўлиқ тасдиқланган рўйхатида вилоят бўйича жами 127 та кўчмас мулк объекти оммавий савдолар орқали сотилиши кўзда тутилган. 2022 йил мулк ҳуқуқи асосида аукцион савдоларига чиқариладиган жами 486 гектар ер участкаси майдони “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотувга чиқарилиши белгиланган.

Ўтган 2021 йилда вилоятдаги 68 та давлат активи 95,4 миллиард сўм бошланғич нарх билан оммавий савдоларга чиқарилди ва шундан 47 таси 70,9 миллиард сўмга сотилди. Жумладан, “Каттақўрғон шаҳар стоматология” МЧЖдаги 100 фоиз давлат улуши 2,6 миллиард сўмга, “Каттақўрғон йўл қурилиш-таъмирлаш” МЧЖга тегишли бўш турган бино-иншоотлар 1,2 миллиард сўмга хусусий секторга сотилди. 2021 йилда “Ўзқишлоқэлектрқурилиш”АЖ устав фондидаги 34,9 фоиз давлат акция пакети 20 миллиард сўмга, “Каттақўрғон ёғ-мой” устав фондидаги 64,9 фоиз давлат акция пакети 37,2 миллиард сўмга хусусий секторга ўтказилди.

Жорий йил бошидаги ҳолатга қарайдиган бўлсак, жами 21 та давлат мулки объекти 24,36 миллиард сўм бошланғич нархда оммавий савдоларга чиқарилганди. 2022 йил 25 март кунига қадар 3 та объект, жами 1 миллиард 317 миллион сўмга сотилди. Хусусан, 3 та давлат активи жами 2 миллиард 385,3 миллион сўм бошланғич нархда оммавий савдоларга чиқарилган.

Бугунги кунда бошланғич нархи 25 миллиард 516 миллион сўм бўлган 21 та давлат активи оммавий савдоларда турибди.

# Орзудаги театр қурилиши битяпти

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Театр санъати кишиларни маънавий юксалтириш, эзгуликни тарғиб этиш, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини санъаткор талқинида очиб бериб, ғояларни жонли тарзда акс эттира олгани билан эътиборга молик. Айниқса, болаларга мўлжалланган қўғирчоқ театрлари ёш авлод тарбиясини шакллантиришда жуда муҳимдир.**



Болалагимизда ўқиган эртакларимиз, кўрган фильмларимиз, шунингдек, эртак ғоялари хотираларга муҳрланади, унутилмайди. Тўғрисини айтганда, Навоий вилояти ташкил этилганидан буён театр биноси бўлмаган, лекин унинг қурилиши ҳақида орзу қилганлар кўп эди. Негаки, ҳар йили санъат йўналишидаги институтларни битирган ёшлар ўзи туғилган ҳудудда ўз маҳоратини намойиш этишни орзу қилган. Ана шундай мақсади бўлган ёшларнинг бугун орзуси ушалди. Шаҳарнинг “Navoiy city” жойлашган 18-кичик туман ҳудудида қад ростлаётган, умумий қуввати 300 ўринга мўлжалланган қўғирчоқ театри қад ростлади. Бино 2 қаватли бўлиб, 15 метр баландликка эга. Лойиҳа қиймати 17 миллиард 649 миллион сўмни ташкил этади. Бинонинг асосий қурилиш ишлари 80 фоизга бажарилган, ҳозирда пардозлаш жараёнлари олиб борилмоқда.

Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Нодиржон Ниёзовнинг таъкилашича, мазкур театр биноси муҳташамлиги жиҳатидан юртимиздаги энг замонавий бинолардан бири бўлади. Унинг қурилиши Президентимиз ташаббуси билан бошланган. Қурилиш ишлари якунланса, бу ерда 800 га яқин иш ўрни ташкил этилади.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

# “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси: 2022 йил I чорак кўрсаткичлар қандай?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бошлаш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Инсон қадри учун” тамойили асосида келгуси беш йилдаги барча ислоҳотлар аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга қаратилиши таъкидланган эди.**

“Инсон қадри учун” тамойили асосида ишларни ташкил этиш барча соҳалар қаторида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига ҳам қатор вазифаларни юклайди.

– “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар халқимиз фаровон ҳаётини таъминлаш ва юртимиз иқтисодиётининг салоҳиятини оширишга қаратилган, – деди уюшма бошқарма бошлиғи Баҳром Аллабергенов. – 2022 йилнинг I чорагида соҳа бўйича таҳлилларга келсак, ўтган даврда жами 5,1 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 108 фоизни ташкил этди. Шундан, уюшма таркибидаги йирик саноат корхоналари томонидан 1 333,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш ўтган йилга нисбатан 114,6 фоизни ташкил этган бўлса, уюшма таркибидаги кичик бизнес корхоналари томонидан 707,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланди. Бунда ўсиш суръати 114,8 фоиздир. Мисол тариқасида келтирганда, 2,6 миллион тонна цемент, 6,8 миллион квадрат метр 2 мм ўлчамда қурилиш ойнаси, 3 миллион квадрат метр керамик плитка кабилар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг I чорагида 2,6 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 90 фоизни ташкил этган. Ушбу даврда биржа савдоларида сотилган 1,4 миллион тонна цемент истеъмолчиларга етказиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастури доирасида асосан “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида умумий қиймати 495,7 миллион доллар бўлган 21 та лойиҳа бўйича жорий йилда 172,7 миллион доллар ўзлаштириш белгиланган. Жорий йилнинг январь-март ойларида 21 та инвестиция лойиҳалари бўйича 275 миллион доллар инвестициялар ўзлаштирилди.

Бу даврда маҳсулотлар экспорти ҳам режа асосида амалга оширилди. Хусусан, 109 миллион доллар миқдорида экспорт амалга оширилиб, белгиланган режа 100,6 фоизга бажарилганини алоҳида қайд этиш лозим. Маҳсулотлар Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистондан ташқари Афғонистон, Озарбайжон, Туркия, Россия, Украина, Хитой давлатларига экспорт қилинди.

Шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қилинган ишлар 102 фоизга бажарилиши таъминланди. Бунда импорт ўрнини босувчи обой, керамик плитка, керамик санитар-техника буюмлари, линолеум, безакли ойна, бетон каби қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тўлиқ таъминланганини янада аҳамиятли.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси доимий равишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиб, бунда қурилиш материаллари саноати ривожи йўлидаги ислоҳотлар ижросини кенг оммага етказишга ҳаракат қилади. Уюшма матбуот хизмати томонидан дастур асосида анжуманлар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Албатта, уюшма ва унинг таркибидаги корхоналар олдида катта вазифалар турибди. Мақсад эса ҳар бир белгиланган режаларни ўз вақтида бажариб, мамлакатимиз равнақи йўлида сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришдир.

# “Ўзбекнефтгаз”да 1173 халқаро стандарт

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Давлат ташкилотларида фаолиятни стандартлаштириш иш тартиби, ҳужжатлар ва амалиёти мураккаб бўлган идораларда иш жараёнларининг соддалашувига замин ҳозирлайди. Ҳозирда мамлакатимизнинг йирик идора ва ташкилотлари ўз тизимларида ислоҳотлар ўтказишмоқда.**

Хусусан, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ишлаб чиқаришни техник тартибга солиш департаменти, стандартлаштириш бўйича техник қўмита ва “Ўзнефтгазмаҳсулот” АЖ тизимидаги бошқарма ҳамда корхоналар иш фаолиятида қўлланилаётган, маънан эскирган меъёрий ҳужжатларни қайта ишлаб чиқиш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини актуаллаштиришга қаратилган ишлари олиб борилляпти.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ акциядорлик жамияти 1992 йилда ўз фаолиятини ягона нефть-газ компанияси сифатида бошлаган. Жамият углеводородларни қазиб чиқариш ҳажмини ошириш учун имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш натижасида ички бозорни таъминлаш, юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш учун нефть ва газни қайта ишлаш бўйича технологик жараёнларни чуқурлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт бозорларига чиқиш, нефть-газ соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитларни яратиш каби вазифаларни амалга оширяпти. Бугунги кунда жамият 50 дан ортиқ корхоналарни, шу жумладан, 13 та қўшма корхона, углеводородларни қазиб олиш бўйича 10 та йирик ширкатларни, шунингдек, бир қатор назорат остида бўлган фаолият марказларини бирлаштирган замонавий кўп поғонали компания ҳисобланади. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан ҳамкорликда тармоқ корхоналарида халқаро стандартларни жорий қилиш, синов лабораторияларини ташкил этиш ва ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш бўйича жадвал тасдиқланган. Унга асосан давлат фондида бўлган нефть ва газ соҳасидаги 1 173 та идораларда халқаро стандартлар босқичма-босқич жорий қилинмоқда.

Жамият тизимидаги бошқарма ва корхоналарнинг техник бўлимларида стандартлаштириш, сертификатлаштириш, сифат менежмент тизимлари, метрология ва экология соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятидаги меъёрий ҳужжатлар фондини бутлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш ишлари замонавий техник ҳамда дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириляпти.


Бугунги кунимиз учун жон фидо қилган аждодларга
муносиб авлод бўлиб, юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш
барча-барчангизга насиб этсин.
Хотира ва қадрлаш куни
муборак бўлсин!
1941
1942
1943
«O'ZSHAHARSOZLIK LITI»
давлат унитар корхонаси жамоаси


«QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ
БОШ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ
ЖАМОАСИ
9 май –
Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан
барча юртдошларимизни
муборакбод этамиз.
Юртимиз тинч, ҳаётимиз
осуда кунларга бой бўлсин.
Эзгу ишларингиз ижобат
бўлиб, қалбингиз доимо
қувончга тўлсин!

# ИРРИГАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР





**Марат НАДЖИМОВ,**
“O‘zsuvloyiha” АЖ бош директори.

**Ўзбекистон Республикаси Орол денгизи ҳавзасида жойлашган бўлиб, унинг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувларидир. Орол денгизи ҳавзасидаги барча манбаларнинг ўртача кўп йиллик сув оқими 116 млрд куб метрни ташкил этади, шундан 67,4 фоизи Амударё ҳавзасида ва 32,6 фоизи Сирдарё ҳавзасида шаклланади. Жумладан, ер ости сувларининг умумий захираси 31,2 млрд куб метрни ташкил этиб, унинг 47,2 фоизи Амударё ҳавзасига, 52,8 фоизи эса Сирдарё ҳавзасига тўғри келади.**

“Амударё” ва “Сирдарё” ҳавзалари сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси учун ўртача кўп йиллик сув олиш лимити 64 млрд куб метрни ташкил этади. 1980 йилларда республиканинг йиллик сув истеъмоли кўп йиллик лимит доирасида бўлиб, сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, трансчегаравий сувдан фойдаланиш муаммолари туфайли фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51-53 млрд куб метрни, жумладан, 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган.

Сув ресурсларининг номутаносиб тақсимланиши ва суғориладиган ерларнинг мураккаб рельефга эга эканлиги натижасида суғориладиган ерларнинг 60 фоизига яқин қисмига 1 687 та насос станция ёрдамида сув етказиб берилиб, уларнинг йиллик электр энергияси истеъмоли 8 млрд кВт.с ни ташкил этади.

Республикада аҳоли сони йилига ўртача 650-700 минг нафарга ошиб, 2030 йилга бориб 39 млн нафарга етиши, уларнинг сифатли сувга бўлган талаби эса 2,3 млрд куб метрдан 2,7-3,0 млрд куб метрга (18-20 фоиз) етиши кутилмоқда. Бу эса коммунал соҳани йилдан йилга сувга бўлган талабини ортишига олиб келади.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бу йил сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд куб метр сувни тежаш кўзда тутилган. Бунда сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш ва ерларни лазер текислаш эвазига 3 млрд куб метр, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирлари ҳисобидан 3,1 млрд куб метр, АКТ ва рақамли технологияларни жорий этиш, экинларни жойлаштиришда сув кам талаб қиладиган экинлар улушини кўпайтириш ва қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш натижасида 0,9 млрд куб метр сувни тежаш мўлжалланган. Ўтган 2021 йилнинг ўзида сувни тежайдиган технологиялар 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди.

Бундан ташқари, юртбошимизнинг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори асосида жорий йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 329 та ирригация ва мелиорация объектларида 1,5 трлн сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Умумий ҳисобда 253 та лойиҳа якунланиб, 568,7 километр канал, 125,9 километр лоток тармоқлари, 71 та суғориш қудуғи, 200 млн куб метр сув омбори, 19,9 куб метр/сек. насос станциялари, 600 км очиқ, 276 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 101 та вертикал дренаж қудуғи, 62 та гидротехника иншооти фойдаланишга топширилади. Бунинг натижасида 354 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти ва 150 минг гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, шўрланган ер майдонлари 78,8 минг гектарга, шундан кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 33 минг гектарга қисқаради.

Соҳадаги устувор йўналишлардан яна бири – сув хўжалигини рақамлаштиришдир. 2022 йилда сув хўжалиги объектларига 6 минг 610 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, 4 минг 540 та “Ақлли сув” ва 2 минг 50 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилади. 20 та сув хўжалиги объекти автоматлаштирилиши натижасида 771,0 млн куб метр сув тежалишига эришилади. Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги “Миришкор” ва “Қамаши” каналларида Австралия давлатининг “Rubicon water” компанияси технологиялари асосида масофадан бошқариш тизими яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланган. Мазкур Концепцияда белгиланган асосий мақсадли кўрсаткичлар ва индикаторларга эришиш мақсадида тизимни такомиллаштиришга қаратилган Хорижий инвестициялар ва Хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни амалга оширишга ваколатли давлат органи этиб, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ–5055-сон қарорига мувофиқ, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ташкил этилди.

2016-2021 йиллар мобайнида Сув хўжалиги соҳасида Хорижий инвестициялар ҳисобидан 12 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, шундан 7 та лойиҳа доирасида қурилиш-монтаж ишлари тугатилиб, лойиҳалар якунланган. Сўнгги 5 йил давомида Хорижий инвестициялар ҳисобидан **579,7** млн доллар миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилган бўлиб, улар ҳисобига бир қанча янги каналлар, гидротехник иншоотлар, қудуқлар, насос станцияси, насос агрегати қурилган.

2022 йилда Хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган 6 та лойиҳа доирасида 159,6 млн доллар ўзлаштирилиб, кредит қиймати 300 млн доллар бўлган 2 та лойиҳа бўйича қарз битимлари имзоланади. Ўзлаштириладиган маблағлар ҳисобидан 27 та насос станцияларида қайта тиклаш ишлари амалга оширилади, 136 дона янги модернизациялаштирилган насос агрегатлари ўрнатилади, 787 дона гидротехник иншоотлар реконструкция қилинади ва 263 км каналлар қайта тикланади, 171 та кўприклар қурилиб, 35 та тик қудуқлар бурғиланади.

Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказига сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш, ушбу лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сонли қарорига мувофиқ марказ томонидан 2022 йилда 2 та инвестиция лойиҳаси доирасида қарз битимлари имзоланиши режалаштирилмоқда, жумладан:

Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 118 та насос станцияларни модернизация қилиш” лойиҳаси, лойиҳа қиймати 200 млн долл;

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Оролбўйи ҳавзасида иқлимга мослашган ҳолда сув ресурсларини бошқариш” лойиҳаси, лойиҳа қиймати 150 млн долл.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида Сурхондарё вилоятининг “Боботоғ” ва Бухоро вилоятининг “Жондор” суғориш каналлари қайта реконструкция, шунингдек, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги 118 та насос станциялари модернизация қилинади. Натижада суғориш тизимининг самарадорлиги “Жондор” каналида 88 фоизга ва “Боботоғ” каналида 89 фоизга оширилади. Жондор туманида 7 980 га, Боботоғда эса 1 546 га фойдаланишдан чиққан ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилади.

Шунингдек, 118 та насос станцияларининг модернизация қилиниши натижасида, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида 88 590 га суғориладиган ерларга кафолатланган сув етказиб берилиши таъминланади ҳамда қишлоқ хўжалигида 19 000 нафардан зиёд қўшимча янги иш ўрни яратилади.

Ушбу лойиҳаларни муваффақиятли якунлаш ишлари билан бир қаторда, Марказ томонидан Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва асосий мақсадли кўрсаткичлар ҳамда индикаторларга эришиш мақсадида доимий тарзда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.




## Инвестиция лойиҳалари шакллантирилмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Изланувчан тадбиркор Саидғаффор Саиднуриддинов таъсисчилигида замон талаблари даражасида бунёд этилган “Pop sement” масъулияти чекланган жамиятининг ишга туширилаётгани маҳаллий аҳоли томонидан илиқ кутиб олинди.**

Ўз ўрнида эътироф қилиш лозимки, тадбиркор таъсис этган завод йилига 300 минг тонна, 400 ва 500 маркадаги цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, тўртта бўлимдан иборат завод ўзининг хомашё базаси, конларига эга. Маҳсулотнинг асосий хомашёси Чуст туманидаги Қорақўрғон карьеридан олинади.

“Pop sement” МЧЖ директори Валижон Алижоновнинг таъкидлашича, завод қурилиши 2018 йилнинг баҳоридан бошланган. Зарур бўлган ускуналар Хитойдаги ҳамкор “Nanjing c-hope cement engineering group” компанияси томонидан келтирилган. Айни пайтда цехларда Хитой ва Германиядан олиб келинган замонавий русумдаги техника ҳамда жиҳозларни синовдан ўтказиш ишлари якунланиш арафасида. Мазкур жараённи ниҳоясига етказиш учун 10 нафар хорижлик мутахассис маҳаллий ишчи-ходимларга яқиндан кўмаклашяпти. Бундан ташқари, заводда ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулот лаборатория ва техник синовлардан ўтказиляпти. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 28 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, бунёдкорлик ишларига хитойлик бизнес ҳамкорларнинг 21 миллион доллар миқдоридаги хорижий инвестицияси ҳам жалб қилинган. Янги қувват ишга тушиши билан 300 нафардан ортиқ ёшлар учун доимий иш ўринлари яратилади.

Халқимизнинг уй-жойга бўлган талабларини қондириш мақсадида давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ вилоятнинг Чуст туманида ҳам умумий қиймати 16,5 миллион долларга тенг, йиллик қуввати 250 минг тонна цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарарувчи “Наманган цемент” масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди. Бундан ташқари, Давлатобод туманидаги Юксалиш кичик саноат зонасида йилига 1,7 минг квадрат метр керамик плита ишлаб чиқаришга итхтисослашган “Flat tile” МЧЖ фойдаланишга топширилди.

## Саноат корхоналари қуриляпти

**Зуҳриддин АҲАДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини йўлга қўйиш ҳисобидан қўшимча иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.**

Шу нуқтаи назардан Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида ишсизликни бартараф этиш, оғир шароитда яшаётган оилаларни даромадли қилиш, ҳудуд салоҳияти ҳамда ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу мақсадда Пешку туманида 125 кишининг доимий бандлиги таъминланадиган ёғ-мой, Шофиркон туманида эса маҳаллий аҳоли вакилларидан 600 нафари ишли бўлишига мўлжалланган тикувчилик корхоналарининг бунёд этилаётгани эътиборга лойиқдир. Таъкидлаш жоизки, мазкур икки йирик лойиҳа ташаббускори ва ҳомийси “Bukhara Agrocluster” МЧЖдир. Ҳар икки тумандаги фермер хўжаликлари билан буюртмачи-таъминотчи сифатида маҳсулот етказиб беришга доир шартномалар тузилган ва айни пайтда лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

– Пешкуда кунига 150 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга заводнинг лойиҳасига 32 миллиард 517 миллион сўм сармоя молиялаштирилган бўлса, шундан 12 миллиард 194 миллион сўми жамият улуши, – деди “Bukhara Agrocluster” МЧЖ масъул ходими Икром Икромов. – Ўз жамғармамизни қурилишга сарфлаб, лойиҳалаштирилган ишнинг 80 фоизини битирдик. “Агробанк”нинг вилоят филиалидан расмийлаштирилган 20 миллиард 323 миллион сўм кредит маблағи эса чет элдан олинадиган замонавий технологияларга йўналтирилмоқда. Завод ишга туширилгач, дастлабки босқичда 49 минг 500 тонна хом ашё, яъни техник чигитдан 5 минг 523 тонна истеъмол ёғи ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, 14 минг 555 тонна шрот-кунжара, 10 минг 218 тонна шелуха ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади.

Иккинчи йирик лойиҳа – “Шофиркон пахта тозалаш заводи” МЧЖ ёнидан ажратилган ер майдонида икки қаватли муҳташам корхона биноси қурилиши бошланганига бир ой бўлди. Туркия давлати технологияси асосида барпо этилаётган мажмуада юзга яқин пудрат корхона бинокорлари меҳнат қилишмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 50 миллиард 700 миллион сўмга тенг бўлиб, шундан 25 миллиард сўм сармоя қурилишга ажратилган. Шунингдек, корхонада 14 миллиард 170 миллион сўм маблағ Японияниннг замонавий тикув машинаси, яна зарур ускуна харид қилишга йўналтирилган. Жараёнда 10 миллиард 900 миллион сўм маблағ ишлаб чиқариш учун зарур ярим тайёр хомашё – мато учун сарфланади. Тикув цехлари, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборлари, офис ва қўшимча биноларга эга яхлит мажмуада йилига 1 миллион 100 минг дона кийим-кечак тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, унинг 75 фоизи маҳаллий бозор ва буюртмачиларга, 25 фоизи эса хорижий ҳамкорларга етказиб берилади.

## Уйғурсой қиёфаси бутунлай ўзгармоқда

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Поп – Наманган вилоятининг энг катта тумани ҳисобланади. Бу ерда марказдан узоқда жойлашган аҳоли пунктлари кўп. Уйғурсой – ана шуларнинг бири. У Чотқол тоғ тизмаси ён бағирларида жойлашган.**

– Иккинчи жаҳон урушидан кейин шу ҳududдан фойдали қазилма конлари топилган, – деди поплик меҳнат фахрийси Усмонжон ота Султонов. – Ўша даврда мазкур маҳалла юзага келиб, қатор уй-жойлар, бошқа объектлар қурилди. Аммо кейинчалик конларда ишлар тўхтагач, турли муаммолар тўпланиб қолган. Мана энди, уларни бартараф этилаётганидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

“Уйғурсой” катта маҳалла эмас, 29 та кўп қаватли уйда 2 084 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 17 таси 1950 йилда, 12 таси эса 1985 йилда қурилган.

Вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳининг ташрифида уйғурсойликлар ўз муаммоларини айтишди. Шундан сўнг мутасадди ташкилотлар кўмагида ўрганишлар ўтказилди ва хулоса асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари режаси тузилиб, кўп ўтмай амалий ҳаракатларга киришилди. Ҳозирда маҳаллада мавжуд 14 километр ички йўлларнинг бир қисмига бетон қоплама, яна 2 километрига асфальт ётқизилмоқда. Қолган йўлларда шағаллаш ишлари олиб борилади.

Маҳалла инфратузилмасини ҳам батамом янгилаш вазифаси қўйилган. Биринчи навбатда ичимлик сув таъминоти масаласи ҳал этилади. Тез орада уйғурсойликлар электр қувватидан ҳам узлуксиз фойдаланиш имкониятига эга бўлади ва “зангори олов” уй бекаларининг беминнат дастёрига айланади. Нафақат кўп қаватли уйлар, балки якка тартибда қурилган хонадонларнинг ҳам қиёфаси бутунлай ўзгариб, шаҳарлардагидан қолишмайдиган ҳолатга келади.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Май ойининг илк ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг маслаҳатчиси **Шаҳриёр Мансуров,** Ички аудит ва комплаенс назорат бошқармаси, МЧС бош мутахассиси **Бахтиёр Карабаев,** Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Фарруҳ Муҳаммадиев,** сантехник **Зоир Яхяев,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бошлиғи **Рустам Ҳикматуллаев,** раҳбар котибаси **Зуҳра Иноятова,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича бош мутахассис **Абдуфаттоҳ Ярашев,** Геодезия ва картография бўлими бошлиғи **Жамшид Анваров,** Жондор тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Расул Боқиев,**

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Султон Холқўзиев,** Янгиобод тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Жасурбек Махамадиев,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспектори **Отабек Валиев,** етакчи инспектор **Норқўзи Саиднасимов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Жумағул Бекжанов,** етакчи инспектор **Аброрхўжа Турсунов,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари **Дониёр Алимов,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспектори **Нурали Мелибаев,** Ижро назорати ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси **Дилдора Юсупова,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармасидаги “Архитектура-режалаштириш бюроси” УК архитектори **Ҳусан Ҳайдаров,** Қўшработ тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Санжар Шодиев,**

Сирдарё вилояти, Сардоба тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Жавоҳир Қайнаров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# СОВРЕМЕННЫЕ СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ

**Ирода САБИТОВА,**
студентка 1-го курса Ташкентского архитектурно-строительного института.

**Если на заре развития строительных технологий технические возможности создателей зданий и сооружений были очень ограничены, то в современных условиях диапазон выбора достаточно широк. Возможность выбора строительных конструкций позволяет применить наиболее эффективную технологию и получить оптимальное решение существующей задачи.**

Главная идея успешной строительной операции – создание сооружения, наиболее точно решающее проблемы, обусловившие необходимость такой работы. Каждая такая строительная операция – это не только решение определённой задачи, но реальный вклад в копилку опыта, расширение или даже формирование новых технических возможностей. Важно, что результаты строительной деятельности должны быть долгосрочными.

## НАДЁЖНЫЕ КОНСТРУКЦИИ

Строительные конструкции, здания и сооружения – область науки и техники, занимающаяся созданием и совершенствованием рациональных типов конструкций, методов их расчета, объемно-планировочных решений промышленных гражданских и сельскохозяйственных зданий, а также их комплексов. Под понятием «строительные конструкции» подразумевают несущие, декоративные и ограждающие элементы домов, зданий и сооружений. Представителями ограждающих конструкций являются фермы, арки и рамы, а несущих – панели перекрытий, оболочки, своды и так далее.

**Строительные конструкции в плане формы сегодня разделяют на две большие группы:**

– пространственные – своды и купола;
– плоские – фермы, балки и рамы.

В некоторых случаях определенные элементы могут выполнять как ограждающую, так и несущую функцию. Пространственные строительные конструкции отличаются от их плоских аналогов прежде всего тем, что требуют значительно меньшего количества материалов. Кроме того, они отличаются более удобным распределением усилий. Впрочем, монтаж пространственных конструкций характеризуется чрезвычайной трудоемкостью.

Согласно современным эксплуатационным требованиям, подобные изделия должны отвечать целому ряду свойств, таких как:

– огнестойкость;
– коррозионная стойкость;
– безопасность;
– экономичность – относится как к расходу материалов, так и к стоимости;
– удобство в транспортировке и эксплуатации.

Современные строительные конструкции ассоциируются прежде всего с такой тенденцией, как уменьшение их общего веса благодаря использованию высокопрочных и наиболее легких материалов. Кроме того, сегодня активно совершенствуются пространственные решения.

**В зависимости от материала, используемого для изготовления строительных конструкций, их разделяют на пять групп:**

### АЛЮМИНИЕВЫЕ КОНСТРУКЦИИ

Это чрезвычайно популярные на сегодня, строительные конструкции. Их главное преимущество – это возможность широкого применения с целью остекления. Из алюминиевых конструкций изготовляют окна, двери, витрины, профили для балконов и витражей и другие изделия. Также из них производится продукция с фурнитурой, стеклопакетами и так далее.

### ДЕРЕВЯННЫЕ КОНСТРУКЦИИ

Основные их преимущества:
– небольшой вес;
– доступность;
– легкость в транспортировке.

В настоящее время различают клееные и не клееные деревянные строительные конструкции. Наиболее эффективным является первый вариант, главным преимуществом которого является возможность получения любых по размеру поперечного сечения, габаритам и форме монолитных элементов.

Деревянные строительные конструкции сегодня используют в таких основных сферах, как: обустройство покрытий производственных и общественных сооружений; возведение шахтных сооружений, эстакад и мостов.

Для изготовления деревянных строительных конструкций используют пиломатериалы из хвойной древесины и фанеры, исполненные в виде как ограждающих изделий (панели со средним слоем из пенопласта), так и арок, балок и рам.

В настоящее время различают два типа **железобетонных** строительных конструкций:
– монолитные;
– сборные.

Для изготовления таких изделий используют бетон и каркас из стальной арматуры. Сборные железобетонные конструкции превосходят свои монолитные аналоги в том, что их конструктивные элементы сначала изготовляются на заводе, после чего они доставляются на стройплощадку для последующего монтажа и сборки. Это позволяет экономить значительные средства и время.

Под понятием “бетон” подразумевается искусственно созданный каменный материал. Его получают путем перемешивания вяжущего вещества, особых заполнителей и воды. Бетон – это один из наиболее важных строительных материалов. Из него изготовляют огромное количество различных изделий, например, стеновые блоки, конструктивные элементы гидротехнических сооружений, трубы, фундаменты, бортовой камень для дорожных работ и так далее.

### МЕТАЛЛИЧЕСКИЕ КОНСТРУКЦИИ

Они востребованы больше всего в вентиляционных и теплогазоснабжающих системах, а также сооружениях специального назначения. Главное предназначение металлических строительных конструкций – это создание быстровозводимых объектов. К примеру, их можно встретить в виде несущих элементов каркасов зданий.

К основным преимуществам металлических строительных конструкций относятся: легкость – такие изделия весят значительно меньше, чем их железобетонные аналоги; простота в изготовлении; возможность серийного производства; легкость в демонтаже и монтаже; оперативность возведения; возможность использования крупноблочного варианта выполнения монтажных работ; удобство в транспортировке; надежность в эксплуатации; высокая прочность и долговечность.

Впрочем, у металлических строительных конструкций есть и недостаток – это неспособность противостоять коррозии, что требует нанесения на их поверхность специального защитного покрытия на основе полимеров или эмали.

Можно сделать вывод, что строительные конструкции, из которых наибольшей популярностью пользуются железобетонные, бетонные и алюминиевые изделия, предназначены для выдерживания основных нагрузок домов, зданий и сооружений. Другой важной сферой их применения является ограждение людей и частей зданий от воздействия атмосферных осадков. Все это говорит о незаменимости и большом значении строительных конструкций в современном домостроении.

VATAN YOSHLAR NIGOHIDA

# Yangi O‘zbekistonni birgalikda quramiz

**Sabina ZOKIROVA,**
Toshkent davlat yuridik universiteti Xalqaro huquq va qiyosiy huquqshunoslik fakulteti talabasi.

**Har bir davlatning kelajagi yosh avlodning qanchalik darajada bilim va salohiyatliligiga qarab belgilanadi. Agar yoshlar ma’nan yetuk holda o‘z sohasining malakali mutaxassisi bo‘lib yetishsa, davlatning kelajagi uchun eng kerakli omillardan biri yaratilgan hisoblanadi. Yurtimizda ham ushbu omilni hisobga olgan holda ko‘plab qonun hujjatlari, strategiya, konsepsiyalar ishlab chiqilmoqda. Jumladan, “Yangi O‘zbekiston – ma’rifatli jamiyat” konsepsiyasi, “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonun, “Harakatlar strategiyasi”ning mantiqiy davomi bo‘lgan “Taraqqiyot strategiyasi” bunga yaqqol misoldir.**

Albatta, ushbu hujjatlar Yangi O‘zbekistonni qurishda yoshlarga e’tibor davlat siyosati darajasiga olib chiqilganligidan dalolat beradi. Qonun hujjatlari shunchaki qog‘ozda qolib ketmasligi uchun joylarda tegishli ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, “Yoshlarning bo‘sh vaqti - bizning ish vaqtimiz” tamoyili asosida mahallalarda yoshlar ishlariga biriktirilgan yetakchilar o‘z faoliyatini olib bormoqda. Bundan ko‘zlangan maqsad, yoshlarni yot g‘oyalardan asrash, qo‘llab-quvvatlash, muammolariga birgalikda yechim topish, yangi qobiliyat sohiblarini kashf etishdir. Ushbu ishlarni tizimli tashkil etishda O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligining o‘rni beqiyosdir. Bu agentlik yoshlarni Vatanga sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash, o‘sib kelayotgan yosh avlodni ilm-fan va innovatsiyalarga keng jalb etish, ularni “Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari!” g‘oyasi atrofida birlashtirishda o‘z hissasini qo‘shib kelmoqda.

“Yangi O‘zbekiston – maktab ostonasidan, ta’lim-tarbiya tizimidan boshlanadi” deya ta’kidlagan prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev. Chindan ham, inson ma’naviyatini shakllantirishda maktabning, ta’lim-tarbiyaning o‘rni katta sanaladi. Mana shu omilni his qilgan holda davlatimiz tomonidan ushbu sohaga katta e’tibor qaratilmoqda. Xususan, “Ta’lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Prezident qarori bunga misol bo‘la oladi.

Yangicha ruh va yangicha ko‘rinishdagi davlat barpo etishda albatta, davlat kelajagini shu yurt yoshlarisiz tasavvur qilish qiyin. Boisi, ular kelajagimiz bunyodkorlaridirlar. Shu o‘rinda mamlakatimiz ham yoshlarga oid davlat siyosatini keng ko‘lamda olib bormoqda. Ular “Har bir tadbirkor – yoshlarga madadkor” tamoyili asosida 1 nafar tadbirkorga 1 nafardan ishsiz yoshlarni biriktirish, “Yoshlar texnoparklari”ni qurish, “Bo‘lajak olim” tanlovini tashkil etilishi va yoshlarning yaxshi innovatsion va startap loyihalariga 50 million so‘m mablag‘ yo‘naltirilganligi, “Bir million dasturchi” loyihasi doirasida 300 ming nafar yoshlar kompyuter dasturlash bo‘yicha bepul o‘qitilishi, “Yil talabasi” kabi ko‘rik-tanlov va musobaqalarda o‘z aksini topmoqda.

Bularning barchasi ertangi kun egalari bo‘lmish yosh avlod uchun, ularning yorqin kelajagi uchun yaratilmoqda. Ammo mana shunday imkoniyatlardan unumli foydalana olmaydigan yoshlar ham afsuski uchrab turibdi oramizda. So‘ngi kunlarda yoshlar orasida jinoyatga qo‘l urish bilan bog‘liq vaziyatlar qulog‘imizga chalinmoqda. Jumladan, pichoqbozlik, o‘g‘rilik, suiqasd, giyohvand moddalarni iste’mol qilish kabilar misol bo‘la oladi. Bu kabi illatlarni yuzaga kelishida yetarlicha ma’naviyatga ega bo‘lmaslik, mafkuraviy immunitetning pastligi, ruhiyatning zaifligi hamda tashqi omillar sabab bo‘lishi mumkin.

Ularning bo‘sh vaqtini samarali tashkil etish, joylarda targ‘ibot-tashviqot ishlarini olib borish, oila va mahallalarda nazoratni yanada kuchaytirish, yoshlarning qiziqqan sohasiga ko‘proq jalb etish orqali jinoyatlarning oldini olish lozim. O‘zga yurtda tengdoshlarimiz tarixiy onlarga qo‘l urayotgan bir zamonda, biz yoshlarning jinoyatga qo‘l urishimiz o‘rinsizdir. Bizga berilgan imkoniyatlardan foydalangan holda ushbu imkoniyatlarni yurtimizning kelajagi yo‘lida safarbar qilish asosiy burchimizdir. Axir, biz ulug‘ zotlar avlodimiz. Ularga mos avlod bo‘lish, bor kuch va g‘ayratimizni “Yangi O‘zbekiston”imizni qurish yo‘lida sarflash bizning muhim vazifamizdir.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, davlatimiz har bir sohani nazardan chekkada qoldirmagan holda keng ko‘lamdagi islohotlarni amalga oshirib kelmoqda. Biz “Yangi O‘zbekiston”ni qurar ekanmiz, jahon tajribasidan hamda o‘zimizning boy davlatchilik tariximizdan foydalangan holda har bir jihatni hisobga olib yaratmoqdamiz. Albatta, bu urinishlar besamar ketmaydi. Biz o‘zimiz maqsad qilib qo‘ygandek, demokratik, inson qadri ustuvor fuqarolik jamiyatini barpo etamiz. Unda yoshlar vatan kelajagi yo‘lida tirgak bo‘ladi va ular mamlakatimiz kelajagi asoschisi sanaladi. Har bir shaxs yurt kelajagi uchun ma’suldir. Biz hammamiz bir yoqadan bosh chiqarsak, bir maqsad yo‘lida uyushsak, ko‘zlagan marramizga yanada tezroq yetamiz.

Zero, “Yangi O‘zbekiston” taqdiri uchun barchamiz birdek mas’ulmiz.






O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№32-33 (585-586) 2022 йил 6 май

# АЖДОДЛАРИМИЗ МАТОНАТИ – фидойилик ва қаҳрамонлик намунасидир

1-бет

Республиканинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва тумани ҳамда айрим шахслар жангчиларга ёрдам қўлларини чўзди. Масалан, 1942 йилнинг бошларида Бухоро вилоятидан 4 059 жуфт иссиқ кийим, 9 380 жуфт жун пайпоқ ва қўлқоп, 5 660 қалпоқ, 2 750 та шим, 3 000 та пўстин, 18,5 минг литр вино, қуруқ мевалар олинди. 1943 йилнинг бошларида Ленинградга Андижон вилоятидан 7 884 килограмм ун ва буғдой, 5 496 килограмм ёрма буғдой, 1 160 килограмм гуруч, 418 бош қўй, 8 510 килограмм қуруқ мева, Қорақалпоғистондан 224 916 сўм нақд пул, 21 614 килограмм буғдой, 5 819 килограмм гўшт, 3 700 килограмм гуруч жўнатилди.

Қорақалпоғистондаги Мўйноқ балиқ комбинатидан 20 млн банка гўшт ва балиқ консерваси олинган эди. Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари аҳли ҳам фронт учун 1942 йилнинг кузида 5 998 бош қорамол, 18 тонна асал, 28 тонна ёғ, 31 тонна қуруқ мева, 3 000 литр вино, 52 вагонда озиқ-овқат маҳсулотлари юборилди. 1943 йили Сурхондарё вилояти фронт эҳтиёжлари учун 14 млн сўм нақд пул, 330 тонна гўшт ва ёғ, 530 тонна буғдой, 180 тонна қуруқ мева, 33 168 дона тери топширди.

Кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотларини Самарқанд, Наманган, Хоразм ва бошқа вилоятлар ҳам фронтга жўнатиб турди. Шунингдек, ҳукумат вакиллари томонидан вагонларда катта миқдорда совғалар олиб кетилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, 1942 йили бир гуруҳ вакиллар Ленинградга 600 вагон ун ва гўшт, 100 вагон гуруч, 60 вагон қуруқ мева олиб борган.

Иккинчи жаҳон урушининг тўрт йили давомида Ўзбекистон давлатга 4 806 000 тонна пахта, 54 067 тонна пилла, 1 066 000 тонна ғалла, 195 000 тонна шоли, 108 000 тонна картошка, 374 000 тонна сабзавот ва ҳўл мева, 35 289 тонна қуруқ мева, 57 444 тонна узум, 1 593 000 тонна гўшт, 5 286 000 дона тери топширгани маълум. Улар ҳам мудофаа эҳтиёжларига сарфланган, албатта. Бундан ташқари, уруш йилларида Ўзбекистон аҳолиси мудофаа жамғармасига жами 649 900 000 сўм нақд пул ўтказиб берган.

Халқимиз ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳам катта ёрдам берган. Чунончи, 1943 йили уларга 13 858 500 сўм пул, 1 308 400 кило озиқ-овқат, 20 750 кийим-бош, 40 000 кубометр ёқилғи, 73 500 пуд ғалла, 10 000 бош қўй, 2000 бош қорамол топширилган.

Шунингдек, ўзбек халқи Россия, Украина, Беларусь, Молдавия ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатди. Жанг бўлаётган ҳудудлардан кўчирилган бир миллион шахс бошпана, кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминланди. Минглаб етим болаларни ўзбек оилалари ўз қарамоғларига олдилар, фарзандларидан кам кўрмай тарбияладилар. Ўзбек халқи жангга кетган турли миллат вакилларининг оилаларидан ҳам моддий ёрдамини аямади. Давлатимиз 113 та ҳарбий касалхона – госпитални ҳам оталиққа олди.

Фашистларнинг тор-мор қилинишида Ўзбекистонда уруш йилларида ишлаб чиқарилган қурол-аслаҳалар катта аҳамият касб этган. Саноатнинг асосий қисми ҳарбий қурол ишлаб чиқаришга йўналтирилиб, улар жанг майдонига узлуксиз юбориб турилган. Айрим маълумотларга кўра, 2 100 самолёт, 17 342 самолёт мотори, 17 100 миномёт, 27 000 танкка қарши отадиган замбарак қисмлари, 60 000 ҳарбий кимёвий анжом, 22 миллион мина, 560 000 снаряд, 2 миллион 318 минг авиация бомбаси, 1 миллион дона граната,100 чақиримдан зиёд сим, дала радиостанциялари, танк ва самолётлар учун 3 миллиондан ортиқ радиолампа, 5 та поезд, 18 та ҳарбий-санитар ва ҳаммом ўрнида фойдаланиладиган ҳамда кир ювиладиган поезд, 2200 та кўчма ошхона олиб кетилди.





Шунингдек, юртдошларимизнинг шахсий пуллари ҳисобидан тайёрланиб, жанг майдонига юборилган қурол-аслаҳалар ҳам кам бўлмаган. Масалан, танк колоннаси ва авиаэскадрилия қуриш учун аҳолидан 320 000 000 сўм тўпланган.

Ўзбекистон 1943 йили немис-фашистларидан озод қилинган ҳудудларга ёрдам бера бошлади. Масалан, ўша йилнинг октябрида Беларусь, Украина ва Россиянинг душмандан тозаланган ерларига Ўзбекистондан 800 нафар врач сафарбар қилинди. 1944 йилнинг биринчи ярмида эса Украинага 300 тонна ғалла, 8 300 бош қорамол, 6 700 бош қўй жўнатилди. 1943-44 йилларда озод этилган шаҳару-қишлоқларга Қорақалпоғистондан 45 800 000 бош қорамол ва қўй юборилди.

Тошкент темирйўлчилари вагонларда турли хил жиҳозларни юборди. Собиқ Сталинградни тиклаш учун 350 нафар қурувчи борди. Хоразмликлар Харьковга турли хил қишлоқ хўжалик техникасини жўнатган бўлса, 1943 йил август ойида республикадан озод қилинган жойларга 1 152 та трактор, 25 та комбайн, 1138 та омоч, 38 дона сеялка юборилди. Сентябрь ойининг охирларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва жиҳозлар тўлдирилган 374 та вагон жўнатилди. 12 октябрда Украинага 450 та вагонда совғалар билан бирга 300 тонна ғалла, 8 300 бош қорамол, 10 минг жуфт оёқ кийим, 200 минг газлама моллари, касалхона, мактаб ва радиоузеллар учун жиҳозлар юборилди.

Воронеж ва Курск шаҳарларига 275 бош қорамол, 72 тонна ғалла, 24 тонна қуруқ мева олиб кетилди. Булардан ташқари, республика бўйича 300 тонна ғалла, 180 тонна қуруқ мева, 10 минг жуфт оёқ кийим, 200 минг метр газлама, 2 600 минг сўм нақд пул, юк машинаси, телефон станцияси жўнатилди. Украина учун 350 та трактор, 200 та автомашина, 50 та комбайн, 1 500 омоч берилди. Ставрополь ўлкасига 1 142 та трактор, 400 та сеялка 1 142 нафар агроном ва ҳайдовчиси билан жўнатилди. Озод қилинган жойларга Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари 50 минг бош қўй ва 190 минг бош қорамол юборган. Шунингдек, немис-фашистларидан тозаланган республика ва вилоятларга 1944 йили 100 000 та китоб совға қилинган эди.

1943-44 йилларда озод қилинган ерларга Ўзбекистондан 13 000 дан ортиқ темирйўл мутахассиси, ҳунар билим юртларидан 15 000 ёш йигит собиқ Ленинград, Киев ва Дунайга йўл олди.

Ўзбек халқининг озод қилинган жойларга кўрсатган ёрдами аслида жуда кўп. Аммо умумий тушунча учун келтириб ўтилганлари етарли, деб ўйлайман. Ўзбекистон саноат соҳасида ҳам катта ишларни амалга ошириб, Россия, Украина ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўнлаб корхоналарни жойлаштириб, уларнинг ишчи-хизматчиларини бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлади.

Ўзбекистонда ҳарбий соҳада ҳам беқиёс ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикада 15 та дивизия ва бригада тузилиб, уларда ўзбеклар салмоқли ўринни эгалладилар. Ўша ҳарбий қисмлардан ташқари ўн минглаб навқирон йигит ҳаракатдаги армия сафларига юборилди. Тошкентдаги ҳарбий билим юртлари фронт учун бир неча минг командир ва сиёсий ходимларни тайёрлади.

Урушнинг дастлабки ойларида Тошкент шаҳрининг ўзидан 100 минг йигит ва қисман аёллар ҳарбий хизматга жалб қилинди. Айрим маълумотларга кўра, Ўзбекистондан бир миллион киши фронтга олинган. Бироқ бу рақам ҳақиқатга қанчалик тўғри келиши номаълум. Чунки Германияда тузилган "Туркистон легиони" 1 млн 800 минг кишини ўз ичига олган. Бу легион раҳбарларидан бирининг сўзларига кўра, унинг таркибида тожик, қозоқ, туркман ва қирғизлардан ташқари ўзбеклар ҳам бўлган. Маълумки, жанг майдонларида ярим миллионга яқин ўзбек ҳалок бўлиб, қолган ярим миллиони Ватанига қайтган. Бу икки рақам бир-бирига қўшилса, бир миллион бўлади. Энди "Туркистон легиони"дагилар ҳисобга олинса, жанг қилган ўзбекларнинг сони анча ошиб кетади.

Ўзбеклар Москва, Сталинград, Кавказ, Қрим, Курск, Днепр, Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги жангларда қатнашиб, Берлингача борди. Шунингдек, Япония билан урушда иштирок этди, партизан урушларида мардонавор курашди.

Шу тариқа халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашистларни тор-мор этишга молини ҳам, жонини ҳам тикди. Топган битта нонини тўртга бўлиб, биттасини ўзига, қолганини бевосита фронтга, сўнг республикага кўчириб келтирилганларга, жангга кетганларнинг оилаларига, ҳарбий госпиталларга, фашистлардан озод қилинган ҳудудларнинг аҳолисига берди. Айни пайтда бир миллиондан ошиқ фарзандлари фашистларга қарши жангларда мардонавор курашди. Улардан бир неча юз минг киши ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Айни пайтда ўзбеклардан тузилган "Ишчи батальон"лар фронт учун фидокорона меҳнат қилди.

Бевосита жангларда 27 млн кишининг ёстиғи қуриган, бошқа талафотларни ҳам қўшганда 30 млн киши нобуд бўлган Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига ҳам беқиёс катта талафот келтирганини тарихий китоблардан ўқиб, билиб олиш мушкул эмас. Минглаб аёллар бева ва болалар етим қолди. Ота-оналар фарзандлари доғида қайғу-алам билан бу дунёдан кўз юмди. Уруш йилларида чек-чегараси йўқ харажатлар халқни шу даражада қашшоқлаштирди. Қанчадан-қанча одамлар очлик ва касалликлардан ўлди. Уруш ўзбек халқининг бор-йўғидан тамомила айирди, кўрпа-ёстиғи, бошқа рўзғор анжомларидан мосуво бўлди, уй-жойи харобага айланди, оч ва юпун бўлиб қолди.

Шу ўринда уруш йиллари ёш бўлишига қарамай далада меҳнат қилиб, фронт учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказишда ўз ҳиссасини қўшган отамнинг ҳикоясини келтиришни лозим топдим.

"Ёш бола бўлишимга қарамай, онамга қўшилиб далага чиқиб, ер чопиб, унган ҳосилни теришга ёрдам берардим. Ўзимизнинг ейишимиздан-ичишимизда ҳаловат йўғку, бувим кўчадан ким нима сўраб келса бериб юборарди.

Уруш давом этаётган йилларнинг охири, урушдан кейинги оғир дамларда собиқ шўро давлатининг ҳамма ерида бўлганидек бизнинг ўлкамизда ҳам очлик, етишмовчилик, юпунлик ҳукм сурарди. Шунга қарамай, Ўзбекистон Россия, Украина, Беларусь ва бошқа республикалардан ота-онасиз, қаровсиз қолган болаларни ўз бағрига оларди. Улар учун болалар уйлари ташкил қилинган эди. Ана шундай етимхоналар "Эркин" қишлоғи (ҳозирги поликлиника ўрни)да ва ҳарбий қурилиш (ҳозирги "Қуёшли") овулида ҳам барпо этилганди. Уларда болалар ниҳоятда кўп бўлгани учун, республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги сингари қишлоғимиздаги оилалар ҳам ҳар қандай қийинчиликка қарамай, кўчада қолган болаларни асраб оларди. Бундан бизнинг оила ҳам четда қолмади.

Бир куни бувим ҳарбий қурилиш овулига сут сотгани бориб, ана шундайлардан бирини бошлаб келди. Қаҳратон қиш бўлишига қарамай, у йиртиқ-ямоқ, юпун кийимда, афтига қараб бўлмайди, сочлари ўсган, кир-чир. Бувим ойимга уни ювинтиришни буюрдилар. Ўзлари қаерлардандир эски кўйлак-шим, кирза этик, пахталик камзул (фуфайка) топиб чиқди. Биз, болалар бояги етимнинг ювиниб чиқишини кутиб турардик. У ҳужрадан ювиниб чиқди. Оқ юзли, малла соч. У билан танишиб олдик. Ўзи беларуслик бўлиб, исми Васька, фамилияси Домбуровский экан. У биздан катта – ўн тўрт-ўн беш ёшларда бўлса ҳам, уларнинг таомили бўйича Васька деб чақирардик.

Кейинроқ оиламизга қозоғистонлик Маҳмуд, қишлоғимиздан Инобат, водийдан Зокир, Тошкентдан Абдулла (кейинчалик Абдулла қайроқ ёки Абдулла лаган деб ном қозонган раққос ва сурнайчи)лар келиб қўшилди. Уларга бувим ҳам, амаким ҳам ўз фарзандларидек муомалада бўлишарди. Биз, болалар уларни ака, опа дердик.

Юқоридаги маълумотлар юртимиздан сафарбар қилинган жангчиларимиз, сабрли халқимиз Иккинчи жаҳон урушида юксак жасорат кўрсатганлигидан далолат беради.

Уруш йилларида машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги қайғу-алам гирдобида жон берди. Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтириб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронлар ҳар йили ҳам моддий, ҳам маънавий томондан рағбатлантирилиб келинмоқда. Мақола аввалида ҳам Президентимизнинг бу йилги байрам арафасидаги Фармони ҳақида тўхталиб ўтганимиз бежиз эмас. Бугунги дориломон кунларга келиб, уруш қатнашчилари, ногиронлар бу қадар эъзоз топаётганидан кишининг қалби фахрга тўлади.

Хулоса қилиб айтганда, биз жасорат ҳамда матонат намуналарини кўрсатган, Ватан ҳимоясида фидойилик қилган ота-боболаримиз қаҳрамонликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Улар билан умрбод фахрланамиз. Аждодлар олдидаги фарзандлик бурчимиз – халқимиз жасоратини унутмаслик, хотирасини абадий ёдда сақлаш, тарихдан керакли хулосалар чиқариш, ёшларимизни шундай заминда яшашдан фахр-ифтихор туйиш руҳида тарбиялашдир.

## Тинчлигимизга кўз тегмасин

**Иккинчи жаҳон урушида Бухоро вилоятидан 73 минг 688 киши фашизмга қарши курашган. Жанггоҳларда 30 минг нафар бухороликлар қолиб кетди. Урушдан қайтганларнинг 5 минг нафаридан ортиғи жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. Бу қадимий юрт фарзандларидан 13 киши уруш Қаҳрамони, бир киши эса учала даражали "Шуҳрат" орденининг тўла кавалери унвонига сазовор бўлган.**



Айни кунда вилоятда Иккинчи жаҳон урушида қатнашганларнинг 15 нафари ҳаёт. Улар орасида уруш йилларида Германиянинг Ганновер шаҳридаги фашистлар концлагерида асирликка тушиб қолган, 1945-йилларда Германиядан Бухорога депортация қилинган уруш фахрийлари, татар миллатига мансуб 93 ёшли Рейде Ресутова ҳамда 86 ёшли Катизе Менсеитовалар ҳам бор.

– Ўзим Қрим Республикаси Ичкин тумани, Беруня Бесут қишлоғида туғилганман, – деди ЎзА мухбири Зариф Комилов билан суҳбатда Бухоро шаҳри "Ширбудин" маҳалла фуқаролар йиғини, Ширбудин кўчаси, 7-муюлиш, 78-уйда яшовчи уруш фахрийси, татар миллатига мансуб 93 ёшли Рейде Ресутова. – Ўша машъум 1941-1945 йилларда Ленинград шаҳри қамали даврида катта завод ва корхоналарда ишлаб, фашистларнинг концлагерларига тушиб, асирлик азобини тортганман. Очиғи, бу кунларни орзу қилиш хаёлимизда ҳам бўлмаган. Асирликда Германиянинг Ганновер шаҳридаги фашистлар концлагерида Браншевой темир-бетон заводида азоб-уқубатларни бошимиздан кечирганмиз. 1945 йилда Германиядан Тошкентга депортация қилиндим. Тошкентдан Бухорога олиб келишди. Ҳозирги Бухоро давлат университетининг бошланғич таълим йўналишида ўқидим. Турмуш ўртоғим Амет Абултаров билан оила қурдим. Турмуш ўртоғим ҳам Навоий вилоятига депортация қилинган эди. Оила қурганимиздан сўнг бир фурсат Навоийда яшадик. 2 қиз 1 нафар ўғилни вояга етказдик. Яратганга минг шукр, мана шундай дориломон кунлар ҳам пешонамизда бор экан. Бугун толеимдан миннатдорман. Урушдан кейинги тикланиш йилларида халқ таълими тизимида ишлаб, ёш авлодга сабоқ бердим. Эл орасида ҳурмат-иззат топдим. Ҳар байраму тантанада давлат раҳбари ташаббуси билан биз, кексаларнинг ҳолидан хабар олишади. Турмуш ўртоғим билан ёлғиз эмаслигимизни ҳис этамиз.

– Етти ёшимда Қримдан асирлик учун Германиянинг Ганновер шаҳридаги фашистлар концлагерига мажбурлаб онам билан вагонда олиб кетишди, – деди Бухоро шаҳрининг А. Ғиждувоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, Ширбудин кўчаси, 60-уйда яшовчи уруш фахрийси, татар миллатига мансуб 86 ёшли Катизе Менсеитова. – 1945 йилда Германиядан Тошкент шаҳрига келдим. У ердан Бухорога жўнатишди. 77 йилдирки, мана шу кўҳна заминда бухоролик бўлиб яшаб келаяпман. Бухорога келганимдан сўнг шаҳардаги 1-сонли мактабда таҳсил олдим. Ўқидим, изландим. Натижада ўзим ўқиган мактабга математика фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. 35 йил педагогика соҳасида фаолият юритдим. 2 нафар фарзандим бор. 4 нафар набирамнинг севимли бувисиман. Юртбошимизга, давлатимизга раҳмат. Биз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган эътибор ва ҳурмат учун ташаккур билдираман. Ҳар йили санаторийларга дам олиш учун бепул йўлланма беришади. Бориб келиш учун самолёт, поездлар ҳам бепул. Ҳар тонг дуога қўл очганимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғ-саломат бўлишини Аллоҳдан тилайман. Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин. Урушнинг номи ўчсин. Тинчликнинг қадрига етишимиз керак. Ёшларга ҳам фақат тинчлик қадрига етишини насиҳат қиламан. Пирлар юрти – Бухорони жуда яхши кўраман.

## Асрга тенгдош нуронийларнинг ҳаёт йўллари ёш авлод учун ибратдир

**"1942 йил. Жанггоҳлардан ҳар куни мудҳиш хабарлар кўпайиб бораётган бир пайтда армияга чақирув олдим. Юртнинг мард йигитлари сафида хизматга отландим.**



Дастлаб сафдошларим билан Ашхободдаги танкчилар техникумида 8 ойлик тайёргарликни ўтадим. Сўнг танкчилар батальонида Шимолий Кавказда урушга кирдик. Украина ҳудудидаги жангларда қатнашдим. Урушдаги ғалабадан сўнг ҳам ҳарбий хизмат давом этди. Дастлаб Одесса ҳарбий округида бир йил хизматда бўлдим. Кейин Германияда то 1949 йилгача хизмат қилдим. Венгрияда бўлган жангларда бошимдан жароҳат олган эдим, йиллар ўтган сари жароҳат ўз таъсирини ўтказа бошлади. 1949 йил ҳарбий хизматдан жавоб беришди..."

Бу урушда қон кечиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган самарқандлик Аҳад бобо Очиловнинг хотиралари. Самарқанд тумани Саховат маҳалласида истиқомат қилаётган 98 ёшли отахон урушдан кейинги фаолиятини таълим-тарбия соҳаси билан боғлади. Дастлаб педагогика техникумида, кейин Самарқанд давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган Аҳад бобо 52 йил бир мактабда – тумандаги 3-умумтаълим мактабида ёшларга таълим берди.

– Дарахт бир жойда кўкаради, деган нақлга амал қилдик-да, болам, – деди отахон ҳазил аралаш ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасанов. – Ёшларга таълим бериш урушнинг қонли жанггоҳларини унутишга ёрдам берди. Ёшлар билан ишлаб, уларнинг муваффақиятини ўзимникидек қабул қилиб, улардан кўпроқ севиндим. Қоқилганларига тиргак бўлишга интилдим. Нафақага чиққач ҳам 18 йил мактабда меҳнат қилдим. Ҳозир ҳам шогирдларим йўқлаб, маслаҳат сўраб туришади. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилади. Ўзим ҳам эвараларнинг дарсларини назорат қилишга ҳаракат қиламан. Уларга тўғри йўл кўрсатиб, ҳаётда ўз ўрнини топишнинг энг осон йўли илм эканлигини уқтираман. Яратганга шукур, оиламиздаги ҳамма ўқимишли, зиёли. Фарзандлар, набиралар, эвараларнинг, қолаверса шогирдларнинг муваффақиятларини кўриб қувонаман, шундан куч-қувват олиб, қарилик гаштини суряпман. Инсон учун энг олий бахт мана шу.

Аҳад бобонинг 6 фарзандидан бугун 26 невара 30 эвараси бор. Улар жам бўлса, отахоннинг бағри ҳам, ҳовлиси ҳам тўлиб кетади. Қолаверса, қўни-қўшнилари, маҳалла фаоллари тез-тез бу табаррук фахрийни йўқлаб, у кишидан маслаҳат, йўл-йўриқ сўрашади. Айниқса, кекса муаллимнинг ёшлар таълим-тарбияси борасидаги бой ҳаётий тажрибасини ўрганиб, қимматли маслаҳатларини олиб ўз фаолиятларига қўллашади. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида Аҳад бобо сингари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари жуда кам қолди – улар атиги 13 киши. Асрга тенгдош ёки 100 ёшдан ошган бу пиру бадавлат нуронийларнинг машаққатли кечган ҳаёт йўллари бугунги авлод учун катта ибрат мактаби. Уларнинг уруш ҳақидаги хотиралари ёшлар учун тарихий ҳикоя, эртакдек туюлади.

– Илоҳим, биз кўрган қийинчилик ва машаққатлар, уруш даҳшатлари бугунги ва келгуси авлодлар учун эртак бўлиб қолсин. Уларнинг ҳаёти тинч-осойишта, бахтли кечсин, юртимизда тинчлик барқарор бўлсин, – дейди Аҳад бобо қўлларини дуога очиб.

# ЎЧМАСИН У КУНЛАР ЁДИ...

**Зиё СИРОЖ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Одатда вақт ҳақида фикр юритилганида: "Кўз очиб-юмгунча шунча фурсат ўтиб кетдия..." деймиз хўрсиниб. Балки, шиддатли даврнинг қувонч-у ташвишлари билан бўлиб, вақт қандай ўтиб кетаётганини сезмаётгандирмиз. Бироқ, ҳаётда шундай воқеалар бўладики, уларни унутиш қийин, азоби мангу, хотираси гўёки кечагидек кўз олдимиздан кетмайди. Иккинчи жаҳон уруши қолдирган тарих шулардан биридир.**

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ҲИССАСИ

Собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалар аҳолиси борки, урушда қатнашиб, Ватанни ҳимоя қилишни ўзларининг фуқаролик бурчи, деб ҳисоблаганлар. Жумладан, ўзбекистонликлар ҳам тупроғимиз ёв қадамидан булғанмаслиги учун жангга ҳозирланганлар. Уларнинг аксарияти чақирув асосида, баъзилари эса кўнгилли тарзда урушга борган. Маълумотларда баён этилишича, урушда 1,5 миллион нафар ўзбек жангчилари иштирок этган. 4 йил давом этган қирғинбарот жангда шулардан 800 минг нафари ҳаётдан бевақт кўз юмган ёки бедарак йўқолган. Улар асосий жанг майдонларида душманга қарши курашганлар. Натижада Москва, Ленинград, Сталинград, Варшава, Прага, Вена ва ниҳоят Берлиндаги жангларда иштирок этиб, халқ ва юрт озодлиги учун қон кечганлар.

Собиқ Иттифоқ таркибидаги мавжуд республикалар уруш заҳматидан бенасиб қолмаган. Гарчи, Ўрта Осиё мамлакатлари жанг майдонига айланмаган бўлса-да, фронт орти майдони сифатида кўп азиятларни бошидан кечирди. Урушнинг дастлабки ойларидаёқ Белоруссия, Украина, Россиядаги энг йирик завод ва фабрикалар Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон каби республикаларга кўчирилди. Деярли барча эркаклар урушга кетгани боис уларда кексалар, аёллар ва болалалар иштирокида ўқдоридан тортиб, аскарлар учун кийимларгача ишлаб чиқарилди.

Ўша даврларда Россия ва Украинадан 1 миллион нафардан зиёд қочқинлар Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистондан паноҳ топганлар. Республикамизнинг ўзига 200 минг нафардан ортиқ болажонлар олиб келинган. Уларнинг айримлари "Меҳрибонлик уйлари"га жойлаштирилган бўлса, кўпларини ўзбек оилалари асраб олди. Бир сўз билан айтганда, ғалаба учун неки зарур бўлса, барчасини амалга оширган юртдошларимиз ўзларининг ҳақиқий инсоний фазилатларини намойиш этган эдилар.



### ФРОНТ ОРТИ МАЙДОНИ ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ

Ўрта Осиё республикалари гарчи, жанг майдонига айланмаган бўлсада, фронт орти майдони сифатида алоҳида аҳамият қозонган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам асосий озиқ-овқат етказиб берувчи ҳудудлар таркибига киритилган.




Тарих шуни сўзлайдики, урушгача республикамиз асосан пахта етиштирувчи минтақа бўлган. Қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари собиқ Иттифоққа бўйсинувчи республикалардан олиб келинган. Мамлакатимиздаги мавжуд табиий шароит уни уруш йиллари қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат етиштирувчи республикага айлантирилишга сабаб бўлган. Қолаверса, 1941 йилда ўзбекистонликлар сони 6,5 миллион нафарни ташкил этган бўлса, 5 ой ичида эвакуация қилинганлар ҳисобига аҳоли сони 10 фоизга ортган. Шу каби ҳолатлар пахта майдонини қисқартириб, бошқа турдаги экинлар майдони ҳажмини оширишга сабаб бўлган. Бунда энг аввало, дон маҳсулотлари етиштиришга аҳамият қаратилган.

Биргина Андижон вилоятида 1941 йилда ғалла 2 минг 375 гектар майдонда етиштирилган бўлса, 1942 йилга келиб 38 минг 146 гектар майдонда буғдой парваришлана бошланди. Шу тариқа, Ўзбекистонда ғалла ҳосилини етиштириш миқдори 60 фоизга ортди. Бироқ, амалга оширилган бу ишлар ўзбекистонликларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла қондирган, дейишга асос бўлолмади. Негаки, маҳсулотнинг асосий қисми фронтга юборилган. Шу боис аҳолининг асосий озиқ-овқат манбаи томорқа ҳисобланган. 1945 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра корхоналардаги ишчи-хизматчилар истеъмолидаги 60 фоиз сабзавот ва 38 фоиз картошка айнан томорқаларда етиштирилганлиги ҳам сўзимизнинг исботидир.

Урушда ҳеч кимга осон бўлмайди. Гарчи, унда қайси давлат ғалаба қозонишидан қатъи назар, ютқазадиган оддий халқ ҳисобланади. Шу жумладан, ўзбек халқи замини гарчи жанг майдонига айланмаган бўлса-да, очарчилик, тақчилликни бошидан кечирди, не бир машаққатларга чидаб, ғалабага ўз ҳиссасини қўша олди.

### ДАРДОҚДАН ЧИҚҚАН ҚАҲРАМОН

Кексалар, хотин-қизлар ва болалар фронт ортида қаҳрамонлик кўрсатаётган бир пайтда оталаримиз уруш майдонида кўксини ёвга қарши тутиб, мардонавор жанг қилдилар. Фашист қадамлари Ўзбекистонгача етиб келмаслиги учун бор кучини аямадилар. Қўчқор Турдиев, Собир Раҳимов, Набижон Мингбоев, Абдусаттор Раҳимов, Рихси Мўминова, Боис Эргашев, Ботир Бобоев, Абдусамат Тайметов, Гапса Исказиев каби ватандошларимиз эса фидокорона хизматлари учун алоҳида эътироф этилди. Уларнинг аксарияти Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Қўчқор Турдиев ўзбеклар орасида биринчи бўлиб, шу унвонга муносиб топилган эди.



...Мен Қўчқор Турдиев ҳақида илк бор эшитганимда, ҳали бола эдим. Мактабда ўқиб юрган пайтларимиз урушда жанг қилиб, фашистларни асирга олиб, қаҳрамон бўлган ҳамқишлоғимиз ҳақида таниқли адиб Ғафур Ғулом "Дардоқдан чиққан қаҳрамон" номли ҳикоя ёзганини эшитган эдим. Кунларнинг бирида Қўрғонтепа туманидаги мусиқа мактабида қаҳрамон билан учрашув бўлишини эшитиб, манзилга шошдим. Учрашув давомида ундан "Қандай қилиб қаҳрамон бўлгансиз?" дея сўрадим. Қўчқор Турдиев бирдан кулиб юборди. Сўнг, юзидаги табассумни йўқотмаган ҳолда: "Жанг кетаётган эди, ўқ ёмғирдек ёғиб турарди. Ёнимда бирорта тирик жон қолмади. Аксига олиб, қўлимдаги қуролни тушириб юбордим, окопга тушиб уни олмоқчи бўлган эдим, кутилмаганда душманлар келиб қолишди. Мен шошиб қолдим. Қўлим қуролга етмади. Шунда оёғим остидаги белкуракни шартта олдимда, фашистларга қараб: "Хендихох" деб бақириб юбордим. Қўрқувдан оёғим зир-зир титраса-да, ортга чекинмадим. Немислар ҳам ўзимизга ўхшаган экан, важоҳатимдан қўрқиб кетдими, шартта қуролини ерга ташлаб, қўлини кўтариб олса бўладими! Шу тариқа беш нафар душманни асирга олганман", дея жавоб берди. Ўшанда Қўчқор ота бизнинг болаларча дунёимизга озор бериб қўймаслик учун воқеани ҳазиломуз тарзда ифода этиб берган эди...

1917 йилда Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида туғилган Қўчқор Турдиев 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. Бир йил ҳарбий кўникмага эга бўлиб улгурган аскар урушнинг илк кунлариданоқ фронтга юборилди. 1941 йилнинг 15 октябрида Украинанинг Харьков областидаги "Трудолюбовка" аҳоли пунктида хизматни давом эттираётган аскар иштирокидаги қуролли рота душман пулемёти зарбасига дуч келади. Олиб борилган мардонавор жангда Қўчқор Турдиев 5 нафар душманни асир олади. Унинг бу қаҳрамонлиги учун 1942 йилнинг 27 март куни "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилади. Бунга қадар ўзбек халқи орасида бирорта инсон бу унвонга сазовор бўлмаган эди...

Қаҳрамон 1942 йилда кичик лейтенантлар тайёрлаш курсида таҳсил олиб, 1943 йилга келиб Гомельск ҳарбий билим юртининг тезлаштирилган ўқув курсларида иштирок этади.

Урушдан сўнг истеъфога кузатилган уруш қаҳрамони ўз фаолиятини қишлоқ хўжалиги соҳасида давом эттирди. Урушда ҳам, урушдан кейин ҳам Ўзбекистон халқи озодлиги ва тараққиёти учун курашди. Бироқ, республикамиз Мустақиллигини кўриш насиб этмади. У 1989 йилда бу дунёни тарк этди...

### ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ ВА УНИ АСРАШ БУРЧИМИЗДИР

Бугунги авлод уруш ҳақида, халқимизнинг фронт ортида чеккан машаққати ҳақида билмаслиги мумкин. Бунга аввало, ўзимиз сабабчимиз. Боиси, интернетга муккасидан кетган болаларимизни зарарли маълумотлардан ҳимоя қилишни хоҳлаймиз-у, уларнинг ўрнини Ватанга муҳаббат руҳида тарбияловчи маълумотлар билан тўлдирмаймиз. Уруш ёмон бўлади, деймиз-у, унинг оқибатларини тушунтирмаймиз. Қўлига ўйинчоқ қуролни олиб "Уруш-уруш" ўйнашига имкон яратиб берамиз-у, ҳарбий сабоқ беришдан йироқмиз. Шунинг учун ҳам Сурия, Украина, Фаластин каби давлатларда ўзбек миллатига мансуб, мана шу юртда камол топган айрим юртдошларимиз йўлдан адашиб, қуролли жангларда пайдо бўлаётгандир...

Биз ҳар доим, ҳамма вақт, ҳар қандай давр ва шароитда уруш ҳақида, урушнинг салбий оқибатлари ҳақида авлодларга сўзлаб беришимиз керак. Токи, улар билсинлар, бу қаҳрамонларни йўқлаш, қабрини зиёрат қилиш осон, бироқ қаҳрамон бўлиш қийин эканлигини. Токи, улар унутмасинлар, мана шу Ватан барчамизники ва уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини...

# Улар доимо эъзозда

**Тўрабек ТЎРАЕВ,**
Учтепа тумани ҳокимининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси.

**Хотира ва қадр туйғуси инсонга хос энг эзгу фазилатлардан ҳисобланади. Тобора сафи камайиб бораётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари эса икки карра эъзозда. Зеро, кекса отахон-у онахонларимизнинг ҳолидан хабар олиб турсак, уларга имконимиз даражасида оқибат, меҳр-мурувват кўрсатсак улкан савобларга эга бўламиз. Қолаверса, уларнинг ҳаётий тажрибалари ҳамда турмуш сабоқларидан ҳам ўзимиз учун керакли хулоса чиқарамиз.**

Иккинчи жаҳон уруши концлагерида бўлган Анатолий Бурикин ҳам ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини интиқлик билан кутади. Бу байрамда унинг хонадони ўқувчилар, ёшлар ва туманимиз аҳли билан гавжум бўлади.

Анатолий Иванович Бурикин 1940 йил 10 октябрда Россия Федерациясида туғилган. У 1943 йилдан 1945 йилгача концлагерда бўлган.

У 1958-1959 йилларда Латвия Республикаси Лиепая шаҳридаги УНР-346 денгиз ҳарбий қисмида электрик бўлиб фаолият юритган. 1961-1963 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб қайтгач, 1966 йил Тошкент ирригация ва мелиорация институтини тамомлагандан сўнг, кабель ишлаб чиқариш заводига қарашли илмий-тадқиқот институтига йўлланма асосида ишга қабул қилинади. Электр муҳандиси лавозимида нафақага чиққунга қадар ишлади.

Анатолий Иванович икки нафар фарзанднинг отаси. 1967 йил туғилган тўнғич ўғли Алексей истеъфодаги майор, ҳозирда пенсияда. Иккинчи фарзанди Александр эса 1978 йилда туғилган, айни пайтда Россия Федерациясида истиқомат қилади. У замонавий IT-технологиялари муҳандиси.

Тўрт нафар набира ва 2 эваранинг севимли бобоси Анатолий Иванович айни пайтда Учтепа туманидаги Бирлик маҳалласида яшаб келмоқда. У оила даврасида, давлатимиз ва маҳалла фаоллари эътиборида қарилик гаштини суриб келмоқда.

# Мард ўғлонлар хотираси қалбимизда абадий қолади

**Шонли тарихимиз жангу жадаллар ва уларда қаҳрамонлик кўрсатган фидойи ватандошларимизнинг ёрқин хотираларига тўла. Боиси, серқуёш ва саховатпеша заминимиз душманларни ҳамиша ўзига жалб қилиб келган. Бу ўлкаларда яшовчи жафокаш халқимиз вакиллари доимо душманга қарши мардонавор оёққа турган.**



Ўзбекнинг ким эканлигини уларга қайта-қайта кўрсатиб қўйган. Нима бўлса-бўлсин гап Ватан ҳимояси ҳақида кетганда, ўзбек йигитлари ҳеч ўйланмасдан душман ўқига кўксини қалқон қилган. Керак бўлса, жонидан кечган, лекин бўйин эгмаган.

Қашқадарё вилояти Касби тумани "Муғлон" МФЙда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1924 йилда туғилган Хайрулло бобо Шерматов ҳам тинчлик йўлида жанг қилган қаҳрамон юртдошларимиздан.

Салкам 100 ёшни қарши олаётган уруш қатнашчиси бугунги дориламон кунларнинг ҳар они учун шукрона айтади. Фақат шу улуғвор туйғугина онгу шуурига бир умрга ўрнашиб қолган уруш даҳшатларини, қонли жанглардаги қуролдошлари фиғонини бир баҳяга бўлса-да унуттиргандек бўлади.

ЎзА мухбири Ўлмас Баротовнинг хабар беришича, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан яқинлашиб келаётган Хайит айёми ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Хайрулло бобо Шерматов хонадонига ташриф буюрилиб, ҳолидан хабар олинди. Учрашув давомида уруш фахрийси йиғилганларга қатнашган жанглари, шонли Ғалабанинг қонли тарихи ҳақида сўзлаб берди.

Хонадон аҳлига кундалик рўзғор учун керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари топширилиб, уруш фахрийси кўнгли шод этилди. Йўқлаб келишганидан кўнгли тоғдек кўтарилган кекса жангчининг тилидан миннатдорлик, шукроналик аримайди. Айниқса, ёш авлодга боқиб, уларнинг ёрқин келажаги учун дуога қўл очади.

Шу куни туманнинг "Оқтепа" МФЙда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1926 йилда туғилган Эркабой бобо Назаров хонадонига ҳам совға-саломлар билан борилди.

Иккинчи жаҳон урушининг бевосита гувоҳи бўлган қаҳрамон жангчиларимиз саноқли қолди. Тирик тарих улар. Бугунги тинч-осойишта кунларга етиб келишимизга улкан ҳисса қўшган Ватан ўғлонларидир улар.

## ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАР

# ҲАЗРАТИ ДОВУД ЗИЁРАТГОҲИ ОБОД БЎЛМОҚДА



**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистонимизда табаррук қадамжолар, тарихий шахслар номи билан боғлиқ муқаддас манзиллар жуда кўп. Биргина Самарқанд вилоятида Ҳазрати Довуд, Дониёр пайғамбар, Маҳдуми Аъзам, Имом Исмоил ал-Бухорий, Ғавсул Аззам, Ҳожа Аҳрори Вали каби ўнлаб бобокалонларимиз, пиру устозлар мангу қўним топган осори-атиқалар борки, ҳар куни бу жойларга минглаб ватандошларимиз, хорижлик меҳмонлар ташриф буюришади.**

Президентимиз ташаббуси билан республикамиздаги барча зиёратгоҳларга катта эътибор қаратилиб, уларда одамларга қулай шароит, инфратузилма яратиш, атрофни ободонлаштириш, сервис хизматини яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг "Вақф" хайрия жамоат жамғармаси Самарқанд вилояти филиали тасарруфидаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳида ҳам бу борада рўёбга чиқаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

– Табаррук маскан инсонлар зиёрат қиладиган қутлуғ гўша ҳисобланади, – деди зиёратгоҳ директори Комилжон Жумаев. – Тарихий манбаларда бу зот ҳақида муҳим маълумотлар мужассамлашган бўлиб, улар ниҳоятда ибратлидир. Масалан, бир ривоятда келтирилишича, Ҳазрати Довуд Бани Исроил қавмидан чиққан пайғамбарлардан ҳисобланган. Довуд Толут вафотидан кейин мазкур қавмга подшоҳ этиб тайинланади ва пайғамбар даражасига эришади. Унга "Забур" китоби Аллоҳ томонидан юборилади. Айни бир пайтда Довуд алайҳиссаломга "Забур" билан бирга ғоят гўзал ва ёқимли куй ҳам юборилади. Яратувчи тангри Довуд алайҳиссаломга яна темирчилик, совутсозлик ҳунарларини беради. Бинобарин унда ҳар қандай металлни қўллари билан хамир каби эгиб, букиб ундан турли шаклдаги нарсаларни ясаш қувватига эга куч бўлган. Шу сабабли Довуд алайҳиссалом эл орасида темирчилар пири сифатида ҳам эъзозланади.

Бугунги кунда зиёратгоҳни янада ободонлаштириш, уни сайр-саёҳат ишқибозларига манзур тушиши, мазмунли дам олиши ва зиёрат қилиши учун барча шароитларни яратиш учун катта ҳаракатлар қилинмоқда. "Вақф" хайрия жамоат фонди, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Нуробод тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида кенг кўламли режалар амалга оширалаётганлиги қувончлидир.

Айтиш жоизки, қарийб тўрт гектар майдонни эгаллаган қадамжода янгиланиш жараёни қизғин тус олган. Аввало манзилгоҳга чиқадиган тўрт километрлик йўл тўла таъмирланиб, асфальт ёқизилди, ёритиш чироқлари ўрнатилди. Автомашиналар тўхташ жойи кенгайтирилиб, замонавий қиёфага келтирилди, маданий-маиший бинолар қад ростлади. Энг тепадаги ғорга олиб чиқадиган 1265 та зина таъмирланди, мачитга махсус йўлак барпо этилди. Зиёратчиларга қулай бўлиши учун маълумотлар маркази очилди, барча жойга кўрсаткичлар ўрнатилди, тиббиёт пункти, телефон, интернет алоқаси ташкил этилган.

– Яна бир эътиборли жиҳати, зиёратгоҳда замонавий хостеллар, меҳмон уйлари қуришга ҳам киришилди. Бундан ташқари, Италия компанияси билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 5 миллион долларга тенг осма дор йўли бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди, – деди Комилжон Жумаев.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№32-33 (585-586) 2022 йил 6 май



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси**

*9 май –*

*Хотира ва қадрлаш куни*

*билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.*

*Ишларингизга ривож, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси**

**Хотира ва қадрлаш куни**

**билан юртдошларимизни қутлайди.**

**Хонадонингиз тинч ва осуда, ҳаётингиз мазмунга тўла бўлсин!**




## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси**

*Қалби дарё, меҳри офтоб ўзбек халқимизни*

***9 май –***

***Хотира ва қадрлаш куни***

*билан табриклайди.*

*Аҳиллик, бирдамлик ва дўстлик сизларни асло тарк этмасин!*




## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси**

**уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда юртимиз аҳолисини**

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

**билан самимий табриклайди.**

**Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилайди.**

**Инсон шаъни юксалган ва меҳнати қадр топган диёримиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!**



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

Азиз ва жонажон халқимизни
9 май – Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан самимий қутлаймиз.
Тинчлигингиз абадий бўлиб, ҳаётингиз қувончу шодликка тўлсин!



## БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги "Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4268-сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, "Назармаҳрам" ҚФЙ, Қўрғонча кўчаси, 2-уйда жойлашган "Шаҳрихон Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улушини сотиш бўйича**

## "ANDIJON MULK MARKAZI" МЧЖ

## ТАКРОРИЙ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Такрорий очиқ танлов савдога "Андижон Агросервис МТП" МЧЖнинг 2022 йил 29 апрелдаги 01/04-33-сонли буюртманомасига асосан Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, "Назармаҳрам" ҚФЙ, Қўрғонча кўчаси, 2-уйда жойлашган "Шаҳрихон Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улушининг **бошланғич қиймати** – 4 958 257 747 (тўрт миллиард тўққиз юз эллик саккиз миллион икки юз эллик етти минг етти юз қирқ етти) сўмда қўйилмоқда.

**Танлов савдосининг асосий шартлари:**

1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштироқ этишлари мумкин.

2. Танлов савдоларида иштирок этувчи талабгорлар улушнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига тушириши керак.

3. Танловда қатнашиш учун талабгорлар ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– **юридик шахслар** – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда.

**4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:**

– Машина-трактор паркининг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини беш йил ичида ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

– мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

– Машина-трактор паркини мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш;

– жамиятдаги бўш майдонлари, бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятларини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, инвестиция киритиш бўйича таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

– улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

– сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;

– иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2022 йил 23 май куни соат 11.00 дан бошлаб "Андижон Агросервис МТП" МЧЖ маъмурий биносида бошланади. Таклифларни очиш вақтида танлов ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчиларни ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2022 йил 20 май куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун муддатда жамиятнинг ягона иштирокчиси "Андижон Агросервис МТП" МЧЖ ва "Ўзагросервис" АЖ билан уч томонлама олди-сотди шартномаси тузилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган ҳар бир талабгор томонидан:**

– танлов пакетлари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида;

– ахборот-маслаҳат (консалтинг) ва сервис хизматларини кўрсатиш учун 10 000 000 сўм миқдорида;

– сотиб олинган улушнинг сотилиш қийматидан 1 фоиз миқдорида сотиб олувчи томонидан комиссион тўлов амалга оширилади. Бу тўловлар сотиб олинган улуш тўловига киритилмайди.

**Талабгорлар улушнинг, яъни "Шаҳрихон Агросервис МТП" МЧЖнинг 100 фоиз улуши бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан закалат пулини (ариза буюртманома топширилгунга қадар) савдо ташкилотчиси "Andijon mulk markazi" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим:** 2020 8000 3049 4115 6002 АТБ "Савдогарбанк" МФО 00081 СТИР 302 126 734.

**Танлов савдолари ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича мурожаат учун манзил:** Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй.

**Маълумотлар учун телефон:** 93-447-08-13.

**Савдоларга марҳамат!**

*00156 рақамли гувоҳнома.*

**Қашқадарё вилояти давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси** томонидан 1993 йил 18 февралда Қарши шаҳри, 7-митти тумандаги 37-уй, 11-хонадонда яшовчи Адилов Тошпўлат номига берилган 7204-сонли уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувча давлат ордери йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "SHOKIR INVEST" МЧЖнинг 2022 йил 27 апрелдаги 92-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Сергели тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 12 апрелдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 2171 | Узук 1 дона 585 о.в. 3,54 гр. ч.в. 3,42, узук 2 дона о.в. 2,58, ч.в. 2,58 500 | 1 951 171,20 |
| 2. | 2699 | Сирға 1 жуфт о.в. 5,60 гр. ч.в. 5,60 гр. 500 | 1 893 480,00 |
| 3. | 3259 | Узук 2 дона, сирға 1 жуфт о.в. 9,08 гр. ч.в. 8,08 гр. 583 | 2 875 200,00 |
| 4. | 4112 | Узук 1 дона о.в. 3,35 гр. ч.в. 3,00 гр. 583 | 1 088 469,60 |
| 5. | 4318 | Сирға 2 жуфт о.в. 3,62 гр. ч.в. 3,20 гр. 583 | 441 019,20 |
| 6. | 4639 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 7,87, ч.в. 7,87 585, узук 1 дона нуқсонли о.в. 3,09 гр. ч.в. 3,09 гр. 500 | 3 880 770,54 |
| 7. | 4827 | Занжир 1 дона о.в. 9,93 гр. ч.в. 9,93 гр. 500 | 3 587 250,00 |
| 8. | 5013 | Сирға 1 жуфт о.в. 2,49 гр. ч.в. 2,49 гр. 585 | 881 460,00 |
| 9. | 5107 | Сирға 1 жуфт о.в. 7,04 гр. ч.в. 6,00 гр. 583 | 2 167 695,00 |
| 10. | 5142 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 7,79 гр. ч.в. 6,29 гр. 500 | 2 120 124,00 |
| 11. | 5305 | Узук 1 дона о.в. 7,05 гр. ч.в. 6,90 гр. 583 | 2 453 828,00 |
| 12. | 5461 | Занжир 1 дона, узук 1 дона о.в. 16,21 гр. ч.в. 15,91 гр. 583 | 5 359 800,00 |
| 13. | 5768 | Узук 2 дона, сирға 1 жуфт о.в. 15,20 гр. ч.в. 10,30 гр. 500 | 4 220 035,20 |
| 14. | 5774 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 15,88 гр. ч.в. 9,88 гр. 583 | 3 769 050,00 |
| 15. | 5776 | Перстень 1 дона о.в. 8,31 гр. ч.в. 8,31 гр. 750 | 3 814 500,00 |
| 16. | 5788 | Узук 1 дона о.в. 5,57 гр. ч.в. 4,17 гр. 500 | 1 617 750,00 |
| 17. | 5858 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,96 гр. ч.в. 3,56 гр. 583 | 1 375 350,00 |
| 18. | 5962 | Узук 2 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт о.в. 4,41 гр. ч.в. 4,01 гр. 583 | 1 451 100,00 |
| 19. | 6026 | Билагузук 1 дона о.в. 1,89 гр. ч.в. 1,69 гр. 583 | 663 300,00 |
| 20. | 6036 | Занжир 1 дона о.в. 11.34 гр. ч.в. 11.34 гр. 583 | 2 299 500,00 |
| 21. | 6047 | Узук 1 дона о.в. 3,39 гр. ч.в. 3,35 гр. 583 | 1 314 750,00 |
| 22. | 6074 | Узук 1 дона о.в. 4,30 гр. ч.в. 4,30 гр. 585 | 1 648 050,00 |
| 23. | 6139 | Сирға 1 жуфт о.в. 5,85 гр. ч.в. 4,25 гр. 500 | 1 632 900,00 |
| 24. | 6165 | Узук 1 дона о.в. 1,90 гр. ч.в. 1,60 гр. 500 | 633 000,00 |
| 25. | 6240 | Узук 3 дона нуқсонли, занжир 1 дона нуқсонли о.в. 9,84 гр. ч.в. 9,34 гр. 500 | 3 814 500,00 |
| 26. | 6308 | Занжир 1 дона, узук 2 дона нуқсонли, сирға 2 жуфт, кулон 2 дона о.в. 33,35 гр. ч.в. 33,35 гр. 585 | 14 571 000,00 |
| 27. | 6393 | Узук 2 дона, сирға 1 жуфт, кулон 1 дона о.в. 18,52 гр. ч.в. 15,30 гр. 500 | 6 449 085,00 |
| 28. | 6447 | Занжир 1 дона о.в. 8,88 гр. ч.в. 8,88 гр. 500 | 2 223 750,00 |
| 29. | 6499 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 9,85 гр. ч.в. 8,15 гр. 500 | 3 132 750,00 |
| 30. | 6538 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,76 гр. ч.в. 3,16 гр. 500 | 1 239 000,00 |
| 31. | 6549 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона, узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 9,89 гр. ч.в. 9,89 гр. 585 | 3 164 371,08 |
| 32. | 6617 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 3,19 гр. ч.в. 2,79 гр. 583 | 1 087 500,00 |
| 33. | 6619 | Сирға 1 жуфт о.в. 5,25 гр. ч.в. 5,05 гр. 500 | 2 299 500,00 |
| 34. | 6621 | Узук 1 дона о.в. 5,01 гр. ч.в. 5,01 гр. 500 | 1 996 500,00 |
| 35. | 6690 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,04 гр. ч.в. 3,04 гр. 500 | 1 542 000,00 |
| 36. | 6720 | Узук 1 дона о.в. 4,01 гр. ч.в. 3,01 гр. 500 | 708 750,00 |
| 37. | 6930 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 2,20 гр. ч.в. 1,20 гр. 583 | 481 500,00 |
| 38. | 6975 | Занжир 1 дона о.в. 3,67 гр. ч.в. 3,67 гр. 585 | 1 337 172,00 |
| 39. | 7068 | Сирға 1 жуфт, узук 2 дона о.в. 10,56 гр. ч.в. 10,46 гр. 585, узук 2 дона о.в. 4,15гр ч.в. 3,85гр 500 | 5 481 000,00 |
| 40. | 7184 | Колье 1 дона о.в. 11.67 гр. ч.в. 11.67 гр. 750 | 5 329 500,00 |
| 41. | 7196 | Сирға 1 жуфт, узук 2 дона о.в. 7,86 гр. ч.в. 5,96 гр. 500, узук 2 дона о.в. 3,26, ч.в. 2,96 585 | 3 511 500,00 |
| 42. | 7232 | Узук 1 дона о.в. 2,11 гр. ч.в. 1,81 гр. 500 | 708 750,00 |
| 43. | 7271 | Узук 1 дона о.в. 1,98 гр. ч.в. 1,68 гр. 583 | 708 750,00 |
| 44. | 7342 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 10.11 гр. ч.в. 10.11 гр. 583 | 3 318 021,98 |
| 45. | 7376 | Занжир 1 дона о.в. 19,93 гр. ч.в. 19,93 гр. 500 | 7 350 631,20 |
| 46. | 7418 | Занжир 1 дона, узук 2 дона, сирға 1 жуфт о.в. 16,64 гр. ч.в. 16,14 гр. 500, узук 1 дона о.в. 2,08 ч.в. 1,88 585 | 6 844 500,00 |
| 47. | 7429 | Узук 1 дона о.в. 1,70 гр. ч.в. 1,70 гр. 583 | 663 300,00 |
| 48. | 7446 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, узук 1 дона нуқсонли о.в. 5,91 гр. ч.в. 5,61 гр. 500 | 2 223 750,00 |
| 49. | 7447 | Билагузук 1 дона, кулон 1 дона, о.в. 2,07 гр. ч.в. 1,97 гр. 585, сирға 1 жуфт о.в. 4,23гр, ч.в. 3,63гр 500 | 1 723 800,00 |
| 50. | 7814 | Занжир 1 дона о.в. 6,34 гр. ч.в. 6,34 гр. 583 | 2 451 000,00 |
| 51. | 7823 | Узук 1 дона о.в. 1,99 гр. ч.в. 1,60 гр. 500 | 581 288,00 |
| 52. | 7880 | Колье 1 дона о.в. 28.00 гр. ч.в. 28.00 гр. 583 | 8 107 727,20 |
| 53. | 7905 | Узук 2 дона о.в. 8,28 гр. ч.в. 7,88 гр. 583 | 3 057 000,00 |
| 54. | 7924 | Занжир 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 21,71 гр. ч.в. 12,70 гр. 583 | 5 390 100,00 |
| 55. | 7929 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, узук 2 дона нуқсонли о.в. 8,55 гр. ч.в. 8,36 гр. 585, сирға 2 жуфт, узук 1 дона о.в. 6,42 гр., ч.в. 4,71 гр. 500 | 4 965 900,00 |
| 56. | 8139 | Узук 2 дона нуқсонли, о.в. 3,36 гр. ч.в. 3,32 гр. 585, занжир 1 дона о.в. 5,58, ч.в. 5,58 гр. 500 | 3 278 947,50 |
| 57. | 8201 | Сирға 1 жуфт о.в. 6,46 гр. ч.в. 5,26 гр. 500 | 1 996 500,00 |
| 58. | 8215 | Узук 1 дона о.в. 1,96 гр. ч.в. 1,86 гр. 583 | 661 829,44 |
| 59. | 8291 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,14 гр. ч.в. 2,80 гр. 583 | 1 023 870,00 |
| 60. | 8319 | Узук 1 дона о.в. 2,94 гр. ч.в. 2,94 гр. 583 | 1 011 750,00 |
| 61. | 8361 | Узук 1 дона о.в. 2,24 гр. ч.в. 2,24 гр. 583 | 824 496,00 |
| 62. | 8738 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,97 гр. ч.в. 3,67 гр. 583 | 1 390 500,00 |
| 63. | 8890 | Занжир 1 дона нуқсонли, узук 1 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт о.в. 14,70 гр. ч.в. 14,20 гр. 500 | 6 087 000,00 |
| 64. | 8905 | Сирға жуфтсиз 1 дона о.в. 0,98 гр. ч.в. 0,78 гр. 583 | 330 000,00 |
| 65. | 9006 | Узук 1 дона о.в. 2,23 гр. ч.в. 2,23 гр. 500 | 1 026 900,00 |
| 66. | 9077 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 1,48 гр. ч.в. 0.98 гр. 500 | 405 750,00 |
| 67. | 9140 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,43 гр. ч.в. 3,03 гр. 585 | 1 330 506,00 |
| 68. | 9145 | Узук 1 дона о.в. 4,34 гр. ч.в. 3,91 гр. 585, узук 1 дона о.в. 3,32 ч.в. 2,85 гр., 500 | 2 602 500,00 |
| 69. | 9163 | Узук ва сирға 1 та тўплам о.в. 6,86 гр. ч.в. 5,36 гр. 500 | 2 148 000,00 |
| 70. | 9203 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 3,44 гр. ч.в. 3,24 гр. 583 | 1 390 500,00 |
| 71. | 9258 | Узук 2 дона, кулон 2 дона нуқсонли, занжир 1 дона о.в. 9,29 гр. ч.в. 9,19 гр. 583 | 4 117 500,00 |
| 72. | 9288 | Узук 1 дона о.в. 3,04 гр. ч.в. 3,04 гр. 500 | 784 500,00 |
| 73. | 9310 | Занжир 1 дона о.в. 3,00 гр. ч.в. 3,00 гр. 583 | 1 314 750,00 |
| 74. | 9319 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 2,83 гр. ч.в. 2,63 гр. 583 | 1 163 250,00 |
| 75. | 9320 | Сирға 1 жуфт о.в. 4,99 гр. ч.в. 4,49 гр. 500 | 1 845 000,00 |
| 76. | 9423 | Узук 1 дона о.в. 2,86 гр. ч.в. 2,86 гр. 583 | 1 239 000,00 |
| 77. | 9427 | Узук 1 дона о.в. 3,25 гр. ч.в. 3,00 гр. 583 | 1 390 500,00 |
| 78. | 9504 | Узук ва сирға 1 тўплам нуқсонли о.в. 5,52 гр. ч.в. 5,52 гр. 500 | 2 375 250,00 |
| 79. | 9505 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона о.в. 2,63 гр. ч.в. 2,53 гр. 583 | 1 087 500,00 |
| 80. | 9510 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт нуқсонли, билагузук 1 дона нуқсонли о.в. 9,36 гр. ч.в. 9,36 гр. 583 | 3 966 000,00 |
| 81. | 9539 | Узук 1 дона о.в. 2,37 гр. ч.в. 1,77 гр. 500 | 784 500,00 |
| 82. | 9578 | Занжир 1 дона нуқсонли о.в. 3,23 гр. ч.в. 3,23 гр. 500 | 1 087 500,00 |
| 83. | 9671 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 5,33 гр. ч.в. 4,03 гр. 500 | 1 769 250,00 |
| 84. | 9692 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,81 гр. ч.в. 2,21 гр. 500 | 936 000,00 |
| 85. | 9754 | Узук 1 дона о.в. 2,00 гр. ч.в. 1,50 гр. 583 | 663 300,00 |
| 86. | 9782 | Узук 1 дона о.в. 1,5 гр. ч.в. 1,30 гр. 585, узук 1 дона о.в. 1,15 гр., ч.в. 1,05 гр., 500 | 1 087 500,00 |
| 87. | 9813 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 12,74 гр. ч.в. 8,24 гр. 500 | 3 511 500,00 |
| 88. | 9946 | Сирға 1 жуфт о.в. 5,62 гр. ч.в. 5,22 гр. 583 | 1 996 500,00 |
| 89. | 9952 | Сирға 1 жуфт о.в. 2,92 гр. ч.в. 2,92 гр. 585, занжир 1 дона о.в. 4,56 гр., ч.в. 4,56 гр. 500 | 3 208 500,00 |
| 90. | 10003 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,08 гр. ч.в. 2,68 гр. 500 | 1 042 050,00 |
| 91. | 10353 | Узук 1 дона о.в. 2,10 гр. ч.в. 1,40 гр. 583 | 617 850,00 |
| 92. | 10565 | Билагузук 1 дона о.в. 3,09 гр. ч.в. 3,09 гр. 583 | 1 420 800,00 |
| 93. | 10586 | Занжир 1 дона нуқсонли о.в. 2,75 гр. ч.в. 2,75 гр. 583 | 1 239 000,00 |
| 94. | 10610 | Узук 1 дона о.в. 2,52 гр. ч.в. 2,22 гр. 583 | 1 026 900,00 |
| 95. | 10621 | Занжир 1 дона о.в. 46,86 гр. ч.в. 46,86 гр. 500 | 18 510 000,00 |
| 96. | 10623 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 1,57 гр. ч.в. 1,33 гр. 583 узук 1 дона о.в. 2,77 гр., ч.в. 2,67 гр. 500 | 1 845 000,00 |
| 97. | 10635 | Сирға 1 жуфт о.в. 1,47 гр. ч.в. 0,97 гр. 750 | 405 750,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **245 547 648,14** |

Аукцион савдолар **2022 йил 7 июнь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 3 июнь куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 7 июнь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 21 июнь ва 5 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Давр банк" ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№32-33 (585-586) 2022 йил 6 май

**Андижон вилояти**

# Аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланмоқда

**Зиё СИРОЖ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги йилларда Андижон вилоятида аҳоли турмуш шароитини яхшилашга бўлган эътибор ҳар доимгидан ортди. Ўтган давр мобайнида 1 минг 796 та кўп қаватли уйларда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ноқонуний қурилмалар барҳам топди. Ички йўллар барпо этилиб, болалар ўйингоҳларидаги шароит яхшиланди. Шунингдек, ҳудудни кўкаламзорлаштириш борасида хайрли ишларга қўл урилди.**



– Ўтган 2021 йил давомида ҳududдаги кўп қаватли уйларнинг ҳолати ўрганилганида 79 та уйларнинг ҳолати қониқарли эмаслиги аниқланди, – деди вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Жамшидбек Бозорбоев. – Кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг архитектура жиҳатидан даврга мослиги таъминланиб, истиқомат қилувчилар учун қулай муҳит шакллантирилди. Жорий йилда яна 98 та ширкатлар уюшмаси таркибидаги 532 та турар жой биноларига эътибор янада кучайтирилмоқда.

Кўп қаватли уйларда бошқарув ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжлари юзасидан ортиқча ҳаракат ва харажатини иқтисод қилишга, муаммоларини ўз вақтида ижобий ечим топишига хизмат қилади. Шу боис, вилоятда 18 та бошқарув ташкилоти фаолиятини йўлга қўйиш орқали носозликлар ва ноқулайликларни ўз вақтида бартараф этиш чораси кўрилмоқда. Жумладан, Андижон шаҳридаги "Ёйилма" ва "Соғлом авлод" МФЙларида жойлашган 134 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи "Шинам маҳалла" бошқарув ташкилоти барпо этилди.

Турар жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш алоҳида босқич ҳисобланади. Шу боис, 2021 йилда 182 та уйда таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, ҳозирда яна 24 та уйда шу каби ҳаракатлар давом этяпти. Қолаверса, 16 та болалар майдончасини қуриш, 2 тасида таъмирлаш ишларини ниҳоялаш, 12 минг погонометр ирригация тизимини созлаш, 12 минг метр йўлакка бетон қоплаш, 199 та ташқи ёритиш тизимларининг бенуқсон ишлашини йўлга қўйиш каби жараёнлар давом этяпти. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида шу йилнинг ўзида яна 20 минг нафар аҳолининг яшаш шароити яхшиланади.

– Тан олиш керак, аввалари уйимизга кириш йўлакларида чироқ йўқ эди, – деди Андижон шаҳридаги А. Фитрат кўчаси 123-уйда истиқомат қилувчи Дилфузахон Собирова. – Таъмирталаб бўлгани боис, меҳмон кутишга ҳам ийманар эдик. Газ таъминотидаги узилишлар туфайли хонадонларимизни кўмир орқали иситган пайтларимиз бўлган. Ҳозирга келиб муаммолар қолмади. Уйимизнинг том қисми таъмирланди, чакка ўтиш ҳодисалари барҳам топди. Тунги ёритгичлар ўрнатилиб, кўчамизга манзарали дарахтлар экилди. Ҳатто автомобиль қўйиш учун махсус жойнинг ажратилиши айни муддао бўлди.

Андижон шаҳри аҳолисининг аксарият қисми кўп қаватли турар жой биноларида истиқомат қиладилар. Сўнгги йилларда вилоятдаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳовли жойлар қурилиши тўхтатилиб, фақат кўп қаватли уйлар барпо этилишига киришилганлигининг ўзиёқ бу борадаги эътибор ва амалий ишлар кўламини ошириш куннинг энг муҳим вазифаси эканлигидан далолатдир. Манзилда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси вазифалар шундан далолат берадики, кўзланган режалар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадига йўналтирилган энг яхши лойиҳа бўлиб қолади.

# Асака адирликларида замонавий иссиқхона қурилмоқда

**Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасига электр энергиясини тежовчи технологияларни жалб этиш орқали маҳсулот унумдорлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга эришилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ўзининг илк ижобий натижаларини бераётгани бошланган ишлар бардавомлигини таъминлаяпти.**



Айни пайтда Асака тумани адирликларидаги 130 гектар майдонда "Net House" усулида янги иссиқхона қурилишига киришилди. "Сабо ҳамкор" МЧЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг қиймати 52 миллиард 500 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, келгусида бу ерда йилига 400 минг тонна маҳсулот етиштириш кўзда тутилган. Ҳозирда 12 гектар ер майдонида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга Корея ва Хитой давлатларидан энг замонавий дастгоҳлар олиб келинмоқда.

Иссиқхона фаолиятининг йўлга қўйилиши 175 нафар аҳоли бандлигини таъминлаб, Европа давлатларига 7 миллион долларлик маҳсулот экспортини амалга ошириш имконини беради.

# "MAGIC CITY" ПОЙТАХТГА

## ёки истироҳат боғлари



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Яқинда Самарқанддан ёши каттароқ меҳмонлар набиралари билан Тошкентни томоша қилишга келишди. Кунлар исиб кетгани боис, "йўл харита"сининг асосий рўйхатидан истироҳат боғлари ўрин олган. Кичкинтойларнинг талабига кўра, энг аввал "Magic city"га борадиган бўлдик. Тошкентдаги энг янги парк, бунинг устига Марказий Осиёда ҳозирча ягона океанариумнинг яқинда очилгани бу боғнинг довруғини янада ошириб юборган.**

Набираларининг океанариум томошасидан чиқишини салқинроқ жойда кутиб ўтиришни ният қилган қариялар атрофга кўз югуртириб, ўриндиқ қидиришди. Вақт тушга яқинлашиб қолгани боис, ҳаво исиб кетган. Аксига олиб, сояда турган бирорта ўриндиқ топилмаса-да. Борлари ҳам банд. Дунёга донғи кетган бренд кийимлар дўконлари, машҳур ширинлик ва музқаймоқлар, кафе-ресторанлар, "Makro" супермаркети, турли ўйингоҳлар, ёпиқ аттракционлар мажмуаси...

Хуллас ҳамма нарса бор, фақат чарчаган пайтингда салқин ўриндиқда тинчгина ҳордиқ чиқариб, туйиладиган оддийгина ҳаловатдан бўлак. "Одамлар чарчаб, ҳордиқ чиқариш учун келадиган жойга дўконлардан кўра ўриндиқларни кўпроқ қуришса бўлмасмикан?" деган ўйда боғ ҳудудини бир бошдан айланиб чиқиб, салқин жойдан ўриндиқ тополмадик. Ноилож, қариялар бетон зинанинг четига ўрнашишди.

Кўнглимдагиларни сезиб тургандек, бобо:

– Қизим, бу боғларинг жуда чиройли, ҳамма нарса бор, аммо соя-салқин жойи кам экан-да. Бу ер фақат болалар учун мўлжаллаб қурилганми?

Рўмолчаси билан елпиниб ўтирган буви мендан олдин жавоб қайтарди:

– Ҳамма боғ ҳам шундай эмасдир. Бошқасига борганда соя-салқинда дам олаверасиз.

Бувининг бу гапидан кейин ташвишим яна ортди. Чунки уларнинг навбатдаги манзиллари Ашхобод ва Анҳор Локоматив парклари бўлиб, уларга ҳам куннинг иссиқ пайтида умуман бориб бўлмайди. Чунки на бир каттароқ соя берадиган дарахт бор, на бир оёқни узатиб дам олиб ўтирадиган сув бўйидаги майсазор. Буларни меҳмонларга қандай тушунтираман?

– Ҳозирги замонавий паркларнинг аксарияти шу кўринишда қуриляпти, бобожон. Одамларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида асосан, савдо-сотиқ ва энг инновацион аттракционлар ўрнатиляпти. Ёшларга қизиқ-да.

Аммо ростдан ҳам шундаймикан?

"Magic city" ўрнида бир пайтлар "Комсомол кўли" бўлганини ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги билмаса керак. Фақат фильмларда кўрган бўлиши мумкин. Ўша машҳур "Маҳаллада дув-дув гап" фильмини бир эслаб кўринг-а, қандай файзли боғ бўлган. Яқингача бу ер Миллий боғ номи билан барчамизга таниш бўлиб қолган эди. Энди у ҳам йўқ. Маълумотларга кўра, илгари "Комсомол кўли" номи билан танилган улкан кўлга эга бўлган Алишер Навоий номидаги Миллий боғ 1939 йилда очилган. Унинг яратилишида шаҳар аҳолисининг ўзи иштирок этган. Ўшанда одамлар ўз шаҳарлари марказида ноёб яшил воҳани қуриш учун ҳашарга чиқишган экан.

Ўз даврида "Комсомол кўли" Тошкентнинг энг чиройли, файзли ва сўлим гўшаларидан бири ҳисобланган. Бу ерда ёшу қари бирдек ҳордиқ чиқариб, кўлдаги қайиқларда сайр қилишган, дарахтларнинг қуюқлигидан қоқ пешинда ҳам тангадек қуёш нури тушмаган. Ёши каттароқ кишиларнинг эслашича, энг муҳим байрам тадбирлари, йирик томошалар, кўргазма ва марафонлар ҳам айнан шу боғда ўтказилган.

Бугун дунёнинг энг машҳур шаҳарлари тимсолида қайтадан қад ростлаган боғни кўриб куйишни ҳам, кулишни ҳам билмайди киши. Кўлнинг ўзлаштирилган қисмида фаввора қурилган бўлиб, у ҳам маълум бир вақтдагина ишлайди холос. Реконструкция ва қурилиш ишларига ҳалал бермаслик учун бутунлай кесиб ташланмаган бўлса-да, аксарият дарахтлар "бежирим" шаклга келтирилган. Сояда ўриндиқ тополмаганимизнинг илк сабаби ҳам шу бўлса керак, эҳтимол. Ҳудуддаги биргина Регистон мажмуасининг макети боғ Ўзбекистонда қурилганидан дарак бериб турибди холос. Қолаверса, истироҳат боғларига кичик ёшдаги болалар асосан ота-оналари ва бобо-бувилари ҳамроҳлигида келишини, ёши улуғ инсонларга эса тинч ва сокин масканлар маъқул бўлишини ҳам инобатга олиш зарур эди.

Каттагина маблағ эвазига барпо этилган боғга келган кишининг баҳри-дили очилиб, ҳордиқ чиқариб кетиш ўрнига фақат темир ва бетондан иборат манзарани кўриши ачинарли ҳол, албатта. Боғни замонавийлаштиришга кетган маблағнинг бир қисмини шундоққина йўлнинг нариги томонидаги жойларни таъмирлашга ишлатиш ҳам мумкин эди. Нега дейсизми? Боғдан чиқиб, ер ости йўлига киришингиз билан худди XXI асрдан XX асрга тушиб қолгандек бўласиз. Наҳотки, фалон пулга боғни қайта қуриб, замонавий аттракционлар билан жиҳозлаган маблағ биргина ер ости йўлини "сеҳрли шаҳар"-га мос ҳолда таъмирлашга етмаган бўлса? Ёки ер ости йўлидан чиқишингиз билан қаршингизда мунғайиб турган Бешёғоч бозорини янгидан қуриш мумкин эмасми? Бир замонлар Тошкентнинг қадимий ва катта бозорларидан бири бўлган бу маскан "Magic city"нинг соясида қолиб кетгандек гўё.

### ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

**Таҳмина ТУРДИАЛИЕВА,**
архитектор:

– Тошкентнинг ягона қиёфаси йўқ. Масалан, интернетдан Тошкент шаҳрини қидирувга берсангиз, телеминора, Миллий банк биноси, "Ўзбекистон" меҳмонхонаси чиқиши мумкин. Аммо умумий ва ягона қиёфа мавжуд эмас. Бош режа ишлаб чиқаётганда ўзбекча, ўзимизнинг этник хусусиятларимизни сақлаган ўзига хос қиёфа ишлаб чиқишимиз керак. Ҳозир биз нима қиляпмиз? Нью-Йоркдаги ойнали биноларни кўчириб олиб келяпмиз. Қаерда чиройли бино кўрсак, шунинг нусхасини оляпмиз. Ваҳоланки, бизнинг ўзимизга хос, бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатларимиз бор, уларни шаҳарсозликда ишлатсак, бошқалардан ажралиб турамиз. "Magic city" кўнгилочар мажмуасини ҳам хориждан кўчиришнинг бир намунаси, деса бўлади. Мажмуа Тошкентга умуман керак эмас, дея олмайман. "Magic city"ни Тошкент марказига қуришнинг ўзи нотўғри, чунки бу жой болаларни дам олиш кунлари айлантирадиган маскан бўлиб, уни шаҳар четига қурса ҳам бўлади. Чунки дам олиш кунлари одамлар фарзандларини узоқроққа олиб боришга вақтлари бўлади.

**Зилола МАДАТОВА,**
тошкентлик юртдошимиз:

– "Комсомол кўли" болаликда энг севимли масканимиз эди. Дарахтлари кўп, салқин, баҳаво жой бўлгани учун жуда кўп борганмиз. Кўлда қайиқларда сайр қилганларимиз ҳамон ёдимда. Боғда ҳар хил ярмаркалар, кўргазмалар, варрак сайллари кўп ўтказилгани учун мактаб пайтида ўқитувчиларимиз билан келиб, мазза қилиб ҳордиқ чиқарар эдик. "Magic city" қуриляпти, деб роса овоза қилишди. Мен ўша гўзал табиат, дарахтлару кўлни сақлаб қолиб, боғни янада чиройли қилиб беришади деб ўйлабман. Аммо қайта қурилганидан кейин биринчи марта боғга бориб, тўғриси, роса хафа бўлдим. Эски Тошкент қиёфасини сақлаб қолиш мумкин эди-ку. Дарахтлар-чи, атроф-муҳит ифлосланаётган, иқлим қуриб, иссиқлашаётган бир вақтда шаҳарда дарахтлар сонини кўпайтириш ўрнига, уларни кесиб ташлаб, сунъий шаҳарча ташкил этиш нега керак бўлди? Тўғри, кимларгадир ёқаётган бўлиши мумкин, аммо ўша ёқтираётганлар бу боғни аввалги қиёфасини кўришмаган. Шунинг учун ачинишмаяпти деб ўйлайман.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА,**
ЎзДЖТУ таянч докторанти:

– Бундан бир неча йиллар олдин пойтахтда боғ ва хиёбонлар сони ҳамда кўлами анча кенг эди. Мисол учун, Тошкентнинг марказида жойлашган "Magic city" кўнгилочар боғини оладиган бўлсак, аввалги номи "Комсомол боғи" бўлган бу кенг ҳудуд ўз ичига сув ҳавзаси, болалар ўйингоҳлари, дарахтлар соясида ҳордиқ чиқариш мумкин бўлган яшил майдонларни қамраб олган файзли ва қадрдон маскан эди. Тўғри, унинг кўриниши замон талабларига мос келмай қолгани ҳам бор гап. Уни таъмирлаб, замонавий аттракционлар келтириш, йўлаклар, панжара ва кичик савдо шохобчаларини янгилаш, тамаддихоналар қуриш кифоя эди, назаримда. Кўпчилигимиз учун қадрдон бу маскан ҳозирда савдо-иқтисодий зонага, фақат айрим доира вакилларининг шахсий манфаатларига хизмат қилувчи махсус ҳудудга айланиб қолгандек, гўё. Кийим-кечак, болалар ўйинчоқлари дўконлари, кафеларни махсус савдо мажмуалари ичида ҳам жойлаштириш мумкин. Яшил ҳудудлар сонини қисқартириш эвазига борпо этилган замонавий масканлар ҳар доим ҳам одамлар кўнглига манзур бўлавермайди.

Хизмат вазифаси туфайли бир неча йил Европада, Австриянинг Вена шаҳрида оилавий истиқомат қилишимизга тўғри келган. Европа мамлакатларида замонавий осмонўпар бинолар у қадар кўп эмас. Мавжуд эски биноларни борича, асл кўринишини сақлаб қолган ҳолда реконструкция қилиб, фойдаланишга топширишни маъқул кўришади. Яна бир эътиборли жиҳати, ҳар бир туманда камида икки-учтадан катта боғлар мавжуд. Бу боғлар ичида кафе ва ресторанлар, болалар майдончалари, сув ҳавзалари, фаввора, гулзор, стол тенниси майдончаси, югуриш йўлаклари, мини-футбол майдончаси мавжуд бўлиб, оилавий ёки дўстлар билан пикник қилиш учун махсус стол-стуллар жойлаштирилган. Бу каби қулайликлар ҳар бир истироҳат боғида бор. Қолаверса, боғнинг озодалигини сақлаш, у ердаги ўсимлик ва дарахтларни парваришлаш учун махсус ишчи-ходимлар гуруҳи ташкил этилган. Шунинг учунми, Европа мамлакатларида Марказий Осиё минтақасига нисбатан экологик муаммолар камроқ учрайди. Тоза ва салқин ҳаво одамлар саломатлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

### ЙЎҚОЛАЁТГАН БОҒЛАРГА КИМ ЖАВОБГАР?

Юртдошларимиз таъкидлаганидек, тобора "бетонлашиб" бораётган шаҳарда бўш ер ёки оддий майсазорни топишнинг ўзи мушкул бўлиб қоляпти. Ҳеч бўлмаса, истироҳат боғларидаги яшиллик ва табиийликни сақлаб қолишга интилайлик. Истироҳат боғи нима ўзи?

Истироҳат боғи – бу сайр қилиш ва дам олиш учун ажратилган ер майдони. Бу дарахтлар, ўтлар, гуллар, сув ҳавзалари ёки фавворалар билан кўкаламзорлаштирилган ҳудуд. Бошқа ҳеч нарса эмас.

Шаҳар боғлари – бу одамлар бўш вақтларини ўтказадиган, кўчалар шовқинидан дам оладиган ва шунчаки табиатдан завқланадиган жой. Нима учун ҳеч қандай маъмурий, технологик бинолар, умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари, музейлар ва шовқинли аттракционларсиз шунчаки яшил, сокин боғга эга бўлолмаймиз? Дунёнинг ривожланган шаҳарларининг барчасида анчадан буён аттракционли боғлар шаҳар ташқарисида барпо этилмоқда. Улар имкон қадар табиат неъматларини асл ҳолича сақлаб қолишга уринаётган бир пайтда биз борини ҳам йўқ қилиб туришимиз уят эмасми?

Тобора ифлосланаётган Тошкент шаҳрининг экологияси, тозалаш иншоотлари ва тиқилиб қолган каналлардан келадиган бадбўй ҳид, қурилишлар оқибатида келиб чиқадиган чанг бўронлари ва автомобиль йўллари бўйлаб ҳаво сифатининг доимий равишда ёмонлиги одамларнинг соғлиғига салбий таъсир қилмоқда. Яқиндагина пойтахтнинг чанг бўрони билан қопланиши оқибатида қанча қийналганимиз ёдимизда бўлса керак. Қолаверса, 2022 йилда Швейцариянинг "IQAir" мониторинг гуруҳи ҳаво ифлосланиши бўйича мамлакатлар рейтингини тақдим этди. Унга кўра, Ўзбекистон давлатлар орасида 12-ўринни, Тошкент эса ҳавоси ифлосланган пойтахтлар рейтингида 10-ўринни эгаллади. Минг афсуски, бугун дунёда бир неча йил аввал қадрли нарса экани ҳақида одамлар ўйлаб ҳам кўрмаган тоза ҳаво, салқинлик, соя-салқин жойлар тобора қимматли нарсаларга айланиб бораётгани рост.

Пойтахтнинг табиийлигини сақлаб келаётган истироҳат боғларининг хусусий тадбиркорлар томонидан ўзлаштирилиши натижасида шаҳар яшиллиги янада камаймоқда. Ғафур Ғулом боғининг қачон очилиши номаълум бўлса, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғининг келажагидан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Дунё мамлакатлари яшил зоналар ва боғларни кўпайтириш мақсадида тинмай изланаётган бир пайтда биз мавжуд боғларимизни савдо-сотиқ ва пул топиш манбаига айлантириб қўймаяпмизми?

### ХОРИЖДА ҚАНДАЙ?

Тбилиси шаҳар мэрияси учун рекреация зоналарини ривожлантириш биринчи вазифа деб эълон қилинди. Бунинг учун минглаб гектар ерлар ҳозир кўкаламзорлаштириш жараёни-

**Жиззах вилояти**

# Тадбиркор боғча қуриб берди

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Арнасой тумани “Чўлқувар” МФЙда янги давлат хусусий-шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.**

Бугунги кунгача туманда 11 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 2 та давлат хусусий-шерикчилик асосидаги НМТТ ҳамда 36 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритаётган эди. Жорий йилдаги режа бўйича қурилган мазкур мактабгача таълим ташкилоти болажонлар учун туҳфа бўлиб, бу билан 100 дан зиёд болаларни қамраб олиш имконияти яратилди.

Унинг очилиш маросими катта шодиёнага айланди. Ёш тадбиркор Аваз Тоғаев “Траст-банк”дан 1 млрд 700 млн сўм кредит олиб, мазкур кўркам масканни бунёд этди. Бу ерда 100 нафар болажонларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. Эндиликда бу маскан тарбияланувчилари инглиз ва рус тилларини ҳам бемалол ўрганишлари мумкин.

# Маҳаллада кутубхона очилди

**Кейинги йилларда маҳаллани ҳар томонлама обод гўшага айлантириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимизнинг бир қатор маҳалла марказларида замонавий кутубхона бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.**

Бу, ўз навбатида, ҳудудда маънавий-маърифий муҳитни соғломлаштириш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини ҳаётга тўла татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Таъкидлаш лозимки, Зарбдор туманининг “Тинчлик” маҳалласида мўъжаз кутубхонанинг очилиши бу ерда яшовчи ўқувчи-ёшлар қатори ёши улуғ инсонларни ҳам хушнуд этди.

Янги очилган кутубхона фондидан мумтоз, ўзбек, жаҳон ва болалар адабиёти, илмий қўлланмалардан иборат мингдан ортиқ китоб жой олган. Шунингдек, зиё масканидаги компьютерлар жамланмаси ҳудуд аҳолиси ва ёшлари учун хизмат қилади. Маҳалла ҳудудида очилган кутубхонага сектор раҳбарлари томонидан китоблар тўпламлари совға қилинди.

**Қашқадарё вилояти**

# Қулайлик сабабли вилоят марказига бориб юрилмайди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.




**Қамаши туманида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, тиббий хизмат кўрсатиш моддий-техника базасини янгилашга алоҳида эътибор қаратилиб, янги тиббиёт масканларининг ишга тушиши бунга яққол мисолдир.**

Туман марказидан 40 километр узоқликдаги “Кўкбулоқ” маҳалласининг “Янги қишлоқ” ҳудудида жойлашган “Лангар” қишлоқ участка шифохонасининг эски биноси ўрнида лойиҳа қиймати 2 миллиард 350 миллион сўмлик янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ҳудуд аҳолиси учун тез тиббий ёрдам шохобчаси ҳам ташкил этилди.

Шунингдек, туманда ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги бор беморлар учун қулай шароит яратиш мақсадида туманлараро гемодиализ бўлими ташкил этилди. Бўлим туман маҳаллий бюджетининг 468,2 млн сўм маблағлари ҳисобидан қуриб битказилди. Эндиликда Қамаши, Ғузор, Деҳқонобод ва Яккабоғ туманларида яшовчи гемодиализ муолажасига муҳтож бўлган беморлар вилоят марказига бормасдан туриб даволаниши мумкин. Бўлимга соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан марказлашган ҳолда 5 дона “4008S Classix” русумидаги гемодиализ аппаратлари, шунингдек, “Ўзмедимпекс” МЧЖ ва Германиянинг “ESS GmbH” компанияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ беғараз ёрдам сифатида беморлар учун 5 та сунъий буйрак аппаратлари олиб келинди.

Шу билан бир қаторда туман тиббиёт бирлашмасида, эски 1980 йилда қурилган 45 ўринли болалар бўлимида маҳаллий бюджет ҳисобидан 865,0 млн сўмлик жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, бемор болалар ва тиббиёт ходимларига енгилликлар яратилди. Яна бир тиббиёт маскани, хусусий шифохона ҳам ишга тушди. 40 ўринга мўлжалланган терапия йўналишига ихтисослашган замонавий кўринишдаги хусусий шифохонанинг лойиҳа қиймати 3,3 млрд сўм бўлиб, бунёд этилган янги масканда 20 та доимий иш ўрни яратилди. Мазкур шифохонада 1 кунда 40 тадан зиёд беморга, йилига эса 15 минг нафар беморларга замонавий хизмат кўрсатиш имкони мавжуд.

# КЎРК БЎЛАОЛДИМИ

## қандай бўлиши керак?



да. Шаҳар мэрияси тарихий ёдгорлик бўлган Ваке боғини ҳам тиклаяпти. Янгиланган боғда на кафе, на дўкон, на аттракцион мавжуд. Бишкекда янги боғлар ва хиёбонлар барпо этилиб, пиёдалар учун яшил зоналар кўпайтирилмоқда.

Жанубий Корея пойтахтидаги Чхонгечхон истироҳат боғини мисол қилиб келтирсак. Боғ дарё бўйида жойлашган. Илгари бу ер қаровсиз ҳолда, коллекторлар билан тўсилган, тепасида йўл ўтказгич бўлган. Яъни, сув анча масофага қувурлардан оқиб ўтган. Ваҳоланки, ҳатто кичик сув йўлларини тўсиш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Табиий мувозанат бузилади ва қувур орқали оқадиган дарёлар ўзини тозалай олмайди. Сеулда дарёни очиб, унинг атрофини хиёбонга айлантиришди. Бу нафақат одамларга экзотик завқ берди, балки табиий жараёнларга ҳам ижобий таъсир қилди. Истироҳат боғининг яратилиши шаҳар аҳолиси учун фойдали бўлди, улар сув ҳавзалари атрофида мароқли дам ола бошлашди. Бундан ташқари, қирғоқбўйи ҳудудларига киритадиган инвестиция ҳисобидан шаҳар иқтисодиёти ҳам ўсди. Боғнинг умумий узунлиги 5,8 километрни ташкил этади. Боғда турли хил ўсимликларнинг 250 тури мавжуд. Бу истироҳат боғида йил бўйи яшил рангда турадиган кўплаб бута ва ўсимликлар экилгани учун, боғ тўрт фаслда ҳам ям-яшил кўринади.

Шаҳарларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётини ривожлантириш учун ташландиқ саноат ҳудудларида жамоат жойларини яратиш энг яхши ечим бўлиши мумкин. Масалан, Нью-Йоркдаги Доминопарк ана шундай жойлардан бири ҳисобланади. У бир асрдан кўпроқ вақт фаолият кўрсатган ва олти йил давомида ташлаб қўйилган эски шакар заводининг ўрнида қурилган. Ушбу истироҳат боғини ташкил этишдан мақсад – дарё ёқасидаги кўчани кенгайтириш ва боғни шаҳар билан боғлаб, бу жойни оммавий дам оладиган жойга айлантириш бўлган. Бундан ташқари, ушбу истироҳат боғи қирғоқ бўйлаб жойлашганлиги сабабли, шаҳар атмосферасидаги чангларни ютувчи вазифани ҳам бажаради.

**Маърифат НУР, айни пайтда Германияда яшайдиган юртдошимиз:**

– Германияда ҳам болалар учун дам олиш масканлари, истироҳат боғлари ва аттракционлар мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос. Худди Ўзбекистондагидек, уларнинг нархи бошқа одатий хизматларга қараганда қимматроқ. Аммо немислар шаҳар марказидаги шовқинли ўйингоҳлардан кўра, табиат бағрида дам олишни ёқтиришади. Об-ҳаво яхши бўлганда пикник уюштириш учун қулай бўлган масканлар жуда кўп. Балиқ ови, велосипедда сайр қилиш, югуриш учун алоҳида парклар барпо этилган. Биз оиламиз билан кўпроқ “Ponyhof” яъни, Понилар фермасига ёки “Bauernhof” фермасига борамиз. “Ponyhof”да пони отларига болаларни миндириш, уларни озиқлантириш, ювинтириш имконияти бор. Албатта, буларнинг барчаси тўлов ва навбат билан ташкиллаштирилган. “Bauernhof”да эса фермер хўжалигидаги кўплаб ҳайвонлар худди ҳайвонот боғидагидек томоша қилиш учун қулай тарзда боқилади. Бу ерда болалар ҳайвонларнинг ҳақиқий овозларини эшитиши, ушлаб кўриши, озиқлантириши мумкин. Ёки кенг жўхори майдонларида ҳақиқий ер, тупроқ ҳидини туйиб, янги соғилган сут сотиб олишади, тракторларга чиқиб қишлоқ ҳаёти билан танишадилар. Табиий муҳит болалар ва катталар саломатлигига бирдек фойдали.

Дунё тажрибасидан ҳам кўриниб турибдики, мавжуд боғларни қайтадан қуриб, табиийлигини йўқотгандан кўра, шаҳардаги қаровсиз ётган жойлардан унумли фойдаланиш яхши самара беради. Афсуски, Тошкент шаҳрида ҳам бундай майдонларни топиш муаммо эмас. Уларни ўзлаштириб, боғу бўстонга айлантириш натижасида шаҳримиз экологиясини яхшилаб, аҳоли учун яна бир истироҳат боғини барпо этиш мумкин. Ёки немислардек шаҳар ташқарисида, бориш қулай бўлган жойларда фермалар ташкил қилиш ҳам яхши натижа беради.

### ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ ҚАНДАЙ ЛОЙИҲАЛАНАДИ?

Мутахассисларнинг фикрича, шаҳар фақатгина саноат зонаси бўлиб қолмаслиги керак. Унда боғлар, хиёбонлар, йўллар, дарё ва кўллар ҳам бўлиши лозим. Шаҳар фақат “дом” ёки “коттежлар”, дўконлар, бизнес марказлари, хуллас, фақат сотиш мумкин бўлган жойлардан иборат бўлмаслиги керак. Шаҳарларда бинолар жойлашган ҳудудлардан кам бўлмаган миқдорда яшиллик, парклар, боғлар, сайилгоҳлар бўлиши шарт. Акс ҳолда экологик баланс йўқолади, бу табиатга таъсир кўрсатмай қолмайди. Бугун шаҳарларда яшиллик йўқолиб бораётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Бизда истироҳат боғи деганда ичи тўла дўкон, болалар учадиган ва албатта, пуллик бўлган аттракционлар қўйилган, аксар ҳолларда ҳатто кириш ҳам пуллик бўлган жойлар тушунилади. Одамларга тўрт томонида қуриб қолган арча экилган ва қуёш қиздириб, сарғайиб ётган очиқликни парк деб кўрсатиш ҳам ҳеч гап эмас.

Истироҳат боғларида дарёлар, каналлар ва тепаликлардан фойдаланиб, турли хил ландшафтларни яратиш мумкин. Бунда ҳолатни озгина ўзгартириш етарли бўлади ва улар янгича кўринишга эга бўлади. Шаҳардаги салқин истироҳат боғларидаги дарахтлар сони оз бўлиши мумкин, аммо йирик ва сершоҳ дарахтларнинг бўлиши етарли. Қолаверса, шаҳарда битта катта марказий истироҳат боғи бўлиши керак, деган фикр аллақачон эскирди. Энди шаҳарсозларнинг фикрига кўра, шаҳарнинг турли қисмларида бир нечталаб кичик истироҳат боғлари бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ШНҚ 2.07.01-03* рақамли ҳужжатнинг “Шаҳар аҳоли пунктлари кўкаламзорлари” бўлимида истироҳат боғларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Унга кўра, шаҳар аҳоли пунктларидаги турар жой ҳудудларининг яшил кўчатзорларини лойиҳалаштириш уларнинг ҳудудлари ривожланиши ва қурилишини режалаштириш лойиҳаларининг меъморий-режавий ва муҳандислик масалаларининг бутун мажмуини ҳисобга олган ҳолда, бошқа ҳудудлар ва шаҳар атрофи зоналарининг кўкаламзорлаштирилишининг ечимлари билан уйғунликда амалга оширилиши кераклиги белгиланган. Унга кўра, қулай ва чекланган-қулай шароитларда жойлашган ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларда бульварлар ва суғориш каналлари ёқасидаги кўкаламлашган ҳудудлар билан ягона тизимга бирлашган шаҳар, туман парклари ва турар жой тумани боғлари кўринишидаги умумий фойдаланиш кўкаламзорларининг ривожланган тизимини яратиш лозим. Эстетик ва маданий қимматга эга юқори даражада сақланган табиий ландшафтлар ҳудудларида миллий ва табиат паркларини шакллантириш, парклар ва боғларни жойлаштиришда мавжуд дарахтзорлар ва сув ҳавзаларини имкони борича сақлаб қолиш зарурлиги кўрсатилган.

Демак, хориж тажрибаси ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига кўра ҳам, истироҳат боғларини лойиҳалашда яшилликни чеклаш, кўлларнинг ўрнида бошқа нарсалар қуриш, дўкон ва савдо расталарини жойлаштириш мақсадида дарахтларга зарар етказиш кўзда тутилмаган.

– Истироҳат боғларида соя берувчи, тез ўсадиган дарахт турларини экиш тавсия этилади, – дейди ТАҚИ битирувчи талабаси, бўлажак ландшафт дизайнери Гулчеҳра Мелибоева. – Боғларни лойиҳалаганда у агар эски жойида бўлса, энг аввало ўрганиш, кўп йиллик дарахтларни кесмаган ҳолда ландшафтини лойиҳалаш керак. Ҳозирда шаҳримизда қурилаётган янги истироҳат боғлари дарахтларни кесиш эвазига барпо этилмоқда. Битта дарахт катта бўлиб, соя бериши учун камида 10 йил керак бўлади. Шу сабабдан ҳам, илгари ҳеч кузатилмаган чанг-бўронлари содир бўлмоқда. Ҳар қандай паркни лойиҳалашда имкон борича ўсимликларга тегиш керак эмас. Боғларни ҳудудларга бўлиб лойиҳалаш ҳам яхши натижа беради. Масалан, истироҳат боғларида аттракционлар битта ҳудудда, дам олиш жойлари ва тинч ҳудудларни алоҳида жойлаштириш аҳолига қулайлик яратади. Бундан ташқари, миллий услубдаги элементларни қўшиш ҳам кишиларга ўзгача завқ бағишлайди. Беседкалар, кафелар, ўриндиқларни танланган услубига мос нақшлар ёки элементлар билан бир бутун композиция қилиш мумкин. Бизда қурилаётган парикларда яшилликка кўп эътибор берилмаяпти, афсуски. Шунинг учун ҳар хил кўнгилочар тадбирлар ташкил этиб, одамларни жалб қилишяпти. Масалан, Ашхобод паркида турли кечалар уюштириб, санъаткорларни чақириш доимий одат тусига кирган. Ваҳоланки, кишилар у ерга миясини дам олдириб, табиатдан баҳра олиш учун боришади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги “Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилгача пойтахтнинг кўкаламзорлаштирилиши даражасини 30 фоизга етказиш белгиланган. Ҳукумат, шунингдек, пойтахтнинг камида 60 гектар майдонида аттракционлардан холи бўлган жамоат истироҳат боғини ҳамда ҳар бир туманда кичик яшил истироҳат боғларини барпо этиш вазифасини юклади. Тошкент шаҳрида жойлашган бюджет ташкилотларига ўзларининг йўл ёқасида жойлашган бинолари яшил ҳудудларини шаҳар ободонлаштириш талабларига мос равишда сақлаб туриш мажбурияти юклатилди. Шунингдек, қимматбаҳо дарахт ва бута турларини кесиш бўйича мораторийни 2024 йилгача узайтириш, экология полициясини тузиш ва экология соҳасидаги жарималарни кўпайтириш режалаштирилган.

Агар ушбу режалар амалга ошса, пойтахтимиз Тошкент ҳам келажакда энг кўкаламзор шаҳар мақомига қайтиб, унда бармоқ билан санарли эмас, балки кўплаб истироҳат боғлари мавжуд бўлишидан умид қилиб қоламиз.

Нафақат ўзимиз, балки юртдошларимизнинг фикрларини тинглаб чиқарган хулосамиз шуки, “Magic city” каби замонавий истироҳат боғлари Ўзбекистонга албатта, керак. Уларсиз шаҳарнинг замонавий қиёфасини тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо бундай масканлар миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган, инсон қўли билан яратилган муқаддас жойлар эвазига барпо этилмаслигини истаймиз, холос. Аксинча, четдан намуна олиб яратилаётган ҳар бир мажмуада ўзлигимизни акс эттиришга, миллийлигимизни намоён этишга ҳаракат қилишимиз лозим. Ахир, хориждан Шарқ дурдонаси бўлмиш пойтахтимизни кўриш умидида келган сайёҳларга “Magic city” каби парkларимиз билан мақтанмаймиз-ку? Ўзларида бундан ҳам катта ва замонавийроқ боғу иншоотлар етарли. Улар юртимизнинг ўзига хослигини кўриш умидида келишади.

Яна бир гап, “Magic city” сўзининг маъноси – сеҳрли шаҳар дегани. Бир пайтлар халқимиз ўз қўли билан бунёд этган боғни ҳеч бўлмаса ўз она тилимизда номлашга ҳаққимиз йўқми? Оддийгина “Сеҳрли шаҳар” дейиш мумкин-ку!

Ҳа-я, айтганча, “Magic city”дан соя жой тополмай қайтган меҳмонларни ўша куни бошқа паркларга кечки салқинда олиб чиқдик. Ҳар эҳтимолга қарши...

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-443.
2221 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 22.30.
Топширилди – 00.30.

1 2 3 4 5 6

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан газетамизнинг ушбу сони 2022 йил 10 май куни чиқиши режалаштирилган сони билан қўшилган ҳолда чоп этиляпти.
Газетамизнинг келгуси сони 2022 йил 13 май куни чиқади.


"Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi" ДУК
ва унинг филиаллари
Азиз ва жонажон халқимизни
9 май —
Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан
самимий қутлайди.
Тинчлигингиз абадий бўлиб,
ҳаётингиз қувончу
шодликка тўлсин!